

# абай

Шеърлар  
ва поэмалар

24320

282

1970 ГБ УзС-Р 54178

Ғафур Ғулом номидаги  
адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент—1970

Абай Құнанбай үтмі  
кардош қозоқ халқининг  
буюк шоури ва фахридир.  
Абай эң қоронғы  
бир замонда дүнёса келди  
ва оғир иетирабы  
бир әаёт гүвөхи бўлди.  
У буюк сўз устасидир.  
Унинг асарларида  
үтмиш аср лавҳалари,  
қозоқ әаёти гүё кўзгуда  
кўрингандай аниқ кўринади.  
Абай асарлари  
жуда күп тилларда  
жарангламоқда.

Тўлдирилган,  
тузатилган  
иққинчи нашири

# ўлан

Ўлан — сўзнииг ишишоен, сўз сараси,  
Қийиндан қвийиштирас эр доноси,  
Тизга енгил, юракка илиқ тегиб,  
Теп-текис, силлиқ келсии айланаси.

Сараланмай, булғанса сўз ораси,  
Бу — оқининг билимсиз, бечораси.  
Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўпи нодон,  
Сўз танимас бу юртнииг бир пораси<sup>1</sup>.

Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур,  
Шираси ҳам маъноси тоят бўлур.  
Пайғамбар ҳам сўзини ўлан қилган;  
Ўлан айтай, шоядки кўнглим тўлур.

Ўландай хутба ўқир кекса мулло,  
Ўлан айтиб йиғлаган валиюлло,<sup>2</sup>  
Ҳамма ҳам чамасича ўлан ўқир,  
Ўлан билан ёзилган калимулло<sup>3</sup>.

Ўланга ишқимиз бор қадим чоқдин,  
Лекин қандай наф бўлар мақтамоқдин!

<sup>1</sup> Бир пораси — бу ўринда бир бўлаги маъносидা.

<sup>2</sup> Валиюлло — олониниг валиси.

<sup>3</sup> Калимулло — олонинг сўзи, китоби, қуръон.

Нин зар, сирти күмүп сүз яхниен —  
Келинтиар ким ҳам бор мүл қозоқдии?..

Сүзни чөртіб сұзласаң ҳар ким ейілар,  
Мақол қўшиб сўзларкаш жекса бийлар.  
Оқинлари беакл, иодон экан,  
Бекор сўзи теридағы нуқул ийлар.

Қўлида ҳам қўбизи, ҳам дўмбира,  
Ҳаммага маҳтов ўқир, қўймас сира.  
Ўлаи айтиб хайр тилар элини кезиб.  
Сўз қадрини ерга ураг, бўлиб хира.

Мол учун сўзни безар, виждан сотар,  
Мол учун бўйин этар, молдай етар.  
Мол учун ҳам алдайди, ҳам аврайди,  
Э, худо, ту оқинлар қачон қотар?

Бойларин маҳтай беріб сўз қолмапти,  
Ўлаи айтиб, мол йигиб, бой бўлмапти.  
Ўланининг қадри кетди эл ичида,  
Қадрини кеткизганилар йўқоммапти...

Жекса бийдек мақолга бурмагайман,  
Ё оқиндек хайр тилаб юрмагайман.  
Сўзим — ўзга, тингловчи сен ҳам тузал,  
Беҳуда гапдан суҳбат курмагайман.

Ол чопган ботирлардан сўйлаб берсам,  
Ошиқлар, маъшуқлардан куйлаб берсам,  
Анчайин ҳангома деб тинглардингиз,  
Сўзларининг сарасини сўйлаб берсам...

Аммо, ақл чақирилмаган меҳмон эмиш,  
Ақли борга буидай умр зиндан эмиш...

Кечириинг, подонларга тегиб ўтсам,  
Бу эмде түғри айтган ёмон эмиш...

Түғри сўзлик ўланим ўзинг кўркам!  
Майли, татимаса ҳам сўйла бардам!..  
Бу юрг сўз ошигимас мол ошиги,  
Розиман, мингдан бирни тушуяса ҳам...

Ўзи билан ёвлашган юртим, тингла!  
Ўзи билан довлашган юртим, тингла!  
Дардингта даво бўлсени ўланларим,  
Бир-бирини овлашган юртим, тингла!

Наҳот сенда қолмаган номус ва ор?  
Наҳот номус ва инсоф эмас даркор?  
Теран ўй, теран ишм йўлинг очсин,  
Ёлғон ўлан ва сўздан олам безор...

1887

• • •

Гүдак учун бешиги — каттакон олам,  
Онасиининг оқ қўкси — жонажон олам;  
Кенг саҳро ҳам тор келар улғайтанида,  
Ўтовидай кўринар бепоён олам.

1880.

## *бургутчи*

Қор ёққанда бургутчи чиқар овга,  
Тошдан тулки топилар пойлаганга.  
Яхыи от, тотув йүлдош — бир ғанимат,  
Яхшидир ихчам кийим овчи одамга.

Бирданига йўлиқса тулки шаи  
Ахтариб овчи ҳарёни кўз солганда.  
Бургутчи төг бошида, қўлда бургут  
Кетган изни синчиклаб пайқаганда.

Тумагини бургутчи бошдан олар,  
Қирон қуш кўзи кўриб интилганда.  
Наст учсам тузаки ўрлар, қутулар деб,  
Учади кўз ўйнатиб тик осмонга.

Қўриб, тўхтаб қолади қочган тулки  
Қутулмасин билган-чун бўйи қочганга,  
Оғзин очиб қақақлаб, тишин қайраб,  
У ҳам курам қиласди чивин жонга.

Қизиқар шунда овчи, завққа тўлиб  
От қўяр қарамай ҳеч йиқилганга.  
Қирқ пичоқ-ла гижиниб турган тулки,  
У ҳам ўнгай ёв эмас, зўр қиронга.

Саккиз пайза қўлида кўз олмасдан  
Ботир ҳам ташланади у қурбонга.  
Қанот, думи шувиллаб ишқиради,  
Кўкдан қирон яшиндай қуйилганда.

Ярқ-юрқ этиб иккөни олшади.  
Якка ботир чиққандай жаңг майдонга,  
Бири ҳаво, бири ер ёввойиси,  
Одам учун ботишар қизил қонга.

Қор — оппоқ, бургут — қора, тулки — қизил  
Үхшайди гүзәл сұнда чүмилғанга.  
Қора сочин күтариб иккі бармоқ,  
Ү ҳам билқ-билқ этмасми сийлаганда.

Оппоқ эт, қип-қизил бет яп-яланғоч,  
Қора соч қизил юзни яширганда  
Күёви әр, қайлиғи гүзәл бўлиб,  
Яна ўхшар тор тўшакда ётпшганига.

Яғрини орқасидап билқиллайди,  
Қирон букилиб остига дал босганда.  
Қуши ҳам агасига хўроозланар,  
Олтмини иккى ҳийлали сайд олганда.

Овчининг чеҳрасига шодлик чиқар.  
Тулкини қанжигага бойлаганда.  
Силқиб кийиб тумагин, ҳам носвойни  
Бир отасан дилга шодлик жойлаганда.

Тогда жийда терғандай ола берса,  
Бир яшайсан хуморииг ҳар қонганда.  
Кўнглида йўқ ҳеч қандай ёмон ният,  
Он бўлади кепгашинг, қуш солганда.

Ҳеч кимга зпёни йўқ ўзим кўрган,  
Хўб, қизиқ им әкан бу шум дунёда.  
Сезгиси чуқур ҳамда ақли борга  
Бари аниқ кўринар ўйлаганда.

Үқмассан устин қараб ўта берсанг,  
Суратин күролмассан күп боқмасанг.  
Күләнкаспи тушады тез күнглингта  
Хар сўзни бир ўйланиб салмоқласанг.

Йигитлар, бу сўзнииг ҳеч маъносини,  
Билолмассан қушиб солип завқ олмасант.  
*1882.*

Ярқироқ оқ кумушдай кенг маглайли,  
Жөн олгич қора күзи нур яшнайды.  
Ингичка қора қоши чизиб қўйгаи  
Биргина ўхшатаман туққан ойни.

Манглайдан тўғри тушган қирра бурун,  
Нурли юз, қирмизи бет, тил бойлайди.  
Лаб очса, кўринади иижу типи,  
Худди қўлда тизгандай... ич қайнайди.

Сўзлари кўп одобли ва маъноли,  
Куйласа боғда булбул сайрагандай.  
Товланган оқ шоҳидай томони бор,  
Бир кўрсанг кўнглинг тамом яйрагандай.

Яериин тахтакашдай, елкаси тик,  
Қўш олма гавдасида қийшаймайди.  
Чиройли — уаун эмас, қисқа эмас —  
Нозик бел, тол хиличдай буронглайди.

Еш боланинг билагидай билаги бор,  
Ажинсиз оқ бармоқлар ишга чевар,  
Суйбул қора сочи бор ишак толли,  
Бир кўргач ҳар қандай кўз уни севар.

Қандай қизда лаззат бор жон тотмаган?!  
Гўзали бу замониниг тек ётмаган.  
Ўн саккиз-ўн тўққизга келгандан сўнг,  
Олмаси ўпка бўлар қўл ботмаган.

Буларнинг тоҳ бирининг миназлари —  
Ҳеч нарса қўрмагандай буртонглайди,  
Гоҳ бири содда, очиқ бўламан деб,  
Ўринсиз одамлар-ла, жиртанглайди.

Аввалдан гўзал ҳоли бизга матьум.  
Юрт ёқлагани йигитни қиз мақтайди.  
Гоҳ йигит орсизларча уйлансади,  
Иёли етмас нарсага тиртонглайди.

Ўринли ишга юриб ўй тоғмагани,  
Эпин топиб меҳнат-ла, мол боқмаган.  
Хосиятли бўлмайди ундай йигит,  
Анчайин бескор юриб лақиллаган.

1884.



Ёшликдан билим излаб югурмадим;  
Хайрин билдим, бироқ, юз ўргумадим.  
Улгайгаңда қарасам қўлим қуруқ,  
Кечикиб қўл чўэдиму, улгурмадим.

Билимсиз қолганимга ким гуноҳкор?  
Изласам бўлармидим мунчалик хор?  
Одамзод тасаллиси фарзанд экан,  
Фарзандимни билимга қўймадим зор...

Мадрасага бердим мен адаб учун.  
Билим учун, наинки, мансаб учун!  
Ўзим ҳам юксакларгә қанот қоқдим,  
Айб бўлмас орау — талаб учун...

Ким айтар: ёмон бўлдим, йўлдан қайтдим?  
Қозоқка шириня-ширин ўлан айтдим;  
Ўланда ҳеч ким менга тепг қелмади,  
Лекин, қадрим тополмай, ўқслайман жим...

1885.



Карилик, ғамга ботдик, уйқу сергак,  
Аччиенинг худди заҳар, ўйиниң кўлмак.  
Дардлашнишга кини йўқ сўя уқарлиқ,  
Ким кўнгилни кўтариб бўлар эрмас.

Еши — қарир, йўқ — тугилар, тугилган —  
ўлар,  
Тақдир йўқ, ўтган умр қайтиб келмас;  
Боғап из, кўрган қизиқ қола берар,  
Бир худодаи бошқанинг барп ўзгарар.

Мард иши ақлга кирмас бўйни енгар,  
Хунарсизнилг қилини чала кўрар.  
Чин ўйламай берилиб бир иш қилмай,  
Эринчак оқибатда кўпга кўлар.

Ёмонлар қилолмайди ҳилол эмгак,  
Ғарлик, ўғирлик қилиб кулар тоза,  
Ҳаром ишдан ёмонлик кўрмай қолмас,  
Минг кун синмас, бир куни спинар кўза.

Одамизод тирикликини давлат билсин,  
Ақл топсин, мол топсин, ҳалол юрсин.  
Икковининг бири йўқ овул кезиб,  
Хўр бўлиб, бекорга кун ўтказмасин.

Нодонлар бўш сўаларга қулоқ солар,  
Чин сўзнинг пойдасидан четда қолар.  
Рост сўзнинг ҳеч билмайди хосиятии,  
Чинни қўйиб, йўқ сўздан лаззат олар.

Ақллық қора қылни құрққа бўлар,  
Ҳар нарасага ўзидаи баҳо берар.  
Нодон киши ҳеч нараса билмай туриб,  
Махтаниб, кўча-кўйда кўкрак керар.

Халққа ичидан ёи, сиртдан қулар,  
Тирнгига дўстин сўкиб, ўлса йиғлар.  
Бир-икки йўхи бўлгаян киши кўрса,  
Худо сениб яратсан ушибу деяр.

Эл бузилса топади, шайтон ўриак,  
Фаришта пастга тушиб, қайги емак,  
Ўзимнинг итлигимдан бўзди демай,  
Енгди-ку, деб шайтонга қислар нўмак.

Қўлдан кела берарми юрт бошқармоқ,  
Ҳалоллик, ҳаромликни ким тенг кўрар?  
Шуҳрат учун гайратсиз бўлис бўлмоқ,  
Итдай бўлиб ўзига сўз келтирадар.

1886.

Ҳаридик, ҳам битмай, күнайди армон;  
 Биздан сүнг ёшларга қолади замон.  
 Уларниң ҳулқидан күнглим хавотир:  
 Тер түкмай, юткүчлик пайида ҳамон.

Бой олар, «такаға сошлиқ берай» деб,  
 «Кезіда қўйнингга солиб берай» деб,  
 Бий билан бўлис ҳам роса ишлатар  
 «Қўшингдан ўчингиш олиб берай» деб.

Дўст дейди: бермасанг ўзингдан кўр,  
 Йўқ десанг, тилингдан, сўзингдан кўр;  
 Эртага ёвларниң қаторида  
 Мени ҳам илғасанг — кўзингдан кўр.

Шумлари шумликдан панд бермоқчи,  
 Суидим деб, суйкалиб, тўш кермоқчи;  
 Юза қўйнинг икки юз харидори  
 Бир бошдан шох-туёқ текширмоқчи.

Мол сўйса, сен ҳам сўй деганидир,  
 Эл йиғса — ўзининг егапидир.  
 Қарғадай қағиллаб юрт тўпланса  
 Ўзини кул қилиб берганидир.

Юз-хотир қилмайди, оғзи чатоқ,  
 Онт ячар, билмайди — лафзи чатоқ.  
 Ўзидан бўшроги дуч иселганда  
 Ит бўлиб қопади, нафси чатоқ.

Эрк бердим сайловга, дейди ўрис,  
Кимники сайласаңг, дерман дуруст.  
Бузилса бузилди, тузалмади  
У тўра бўлгач ҳам, бизниңг улус.

Жуда кўп ҳаромни эн кўрганлар,  
Гаппресаңг юзини чет бурганлар.  
Бормикан астойдил рози бўлиб  
Худонинг берганини сўз қорғанлар.

Отаси ўтлидан ор қиласди,  
Оғаси инисиш хор қиласди,  
Бироғи мол учун виждан сотиб,  
Ёпирай, йўқ ердан бор қиласди.


Меҳр йўқ, қўним йўқ, бари чигал,  
Бир-бирик кўролмас бовур-жигар.  
Эл тўзғиб низодан, соб бўлди-ку,  
Жон деб иепи яратдиг, парвардигор?

Оит ичиб бахши этган жони қурсин,  
Ор сотиб ундираги моли қурсин;  
Умрингнинг қирқ ерига тузоқ қўйиб,  
Қувликни касб этганинг ҳоли қурсин!

1886.

Бойлар юрар мол- қорасин қўриқлатиб,  
 Ўнни бериб, ўрнига юа олар сотиб.  
 Ўнни олған тўқсонидан тама қилар,  
 Худо уриб қўйган юртни, инсоф кетиб.  
 Бориб келса Иртишнинг сувин тотиб,  
 Бериб келса бир арза қўшиб-чатиб,  
 Эл олиб, Әдел олиб кайф қилгандек,  
 Терлаб-пишиб, қабариб келаётиб.  
 Бир айланиб келса отиш ориқлатар,  
 Чиқим бўлиб, беллагача нарага ботиб.  
 Шум — шумшук деб, куб билгич деб аталмоғи  
 Хумор қизар танасини қопжиратиб.  
 Чурқ отмаса, қўрқди деб кун беришмас,  
 Қой ҳам чопар қалъага тухмат тоши отиб.  
 Кучли чақмоқ азал бошдан бойга хосдир,  
 Қўлга тушар силласи қуриб-қотиб.  
 Жони ширини яхшига қўшамап деб,  
 Ҳар ким бир пт сақлайди ириллатиб.

7886.



Күнглим қолди дўстдан-да, душмандаи-да,  
Алдамаган ким қолди тирик жонда?  
Олис-яқин қозоқининг барин кўрдим,  
Янка ярим қолмаса онда-сонда.

Нафинг тегса, қалин дўст бўлгай бирор,  
Бошингга иш тушганда қочгай дарров.  
Шу ҳам менга ўхшаган бир башда деб  
Ким қолар бу майдонда юраги дои?

Хозирги юртниң иши ўғри-тарлик,  
Саноқли жои жўрмадим сўз уқарлик.  
Бу замонда ҳеч на йўқ, унга боқиб,  
Меҳр қониб, маст бўлиб қувонарлик.

Бойлар ҳам мол қадрини била олмас,  
Ёз ўтказиб, куз отини мина олмас.  
Кунда мол ўғирлатиб, из йўқотиб,  
Изза бўлиб, иржайиб кула олмас.

Савдогар тинчроқ савдо қила олмас,  
Қўлдан неки кетди, боз ола олмас.  
Элдан нари хум юриб, тўйда тонар  
Орсизлардан кўнгли ҳеч тина олмас.

Эслилар ҳам эсига қувонишмас,  
«Эл озди» деб нодонлар мунғайишмас.  
Ола илон, оч бақа тахлит бари,  
Ҳайиқишмас, улканидан уялишмас.

Ҳакамлар-ку ҳакамлигини қыла олмас,  
Үғриларни, бузуқларни тия олмас.  
Телба-тентак безорига жазо беріб,  
Танобини ҳеч ким тортиб қўя олмас.

Қариидониниг қора ерга тиқмоқ истар,  
Бир-бирининг сўзларини олмай кетар,  
Қуда-андада, дўсту ғрон, бола-чақа  
Бир ёқадан бош чиқармай яшаб ўтар.

Бир кучли қўп тентакни йиға олмас,  
Юрагида не-не дард — чиқа олмас.  
Ароқ ичиб, маст бўлар юрт бир текис,  
На фойдасин, на зиёнин била олмас.

Ёз етилиб, яйловга қўнолмайди,  
Куза — кузакда бежанжал бўлолмайди.  
Қим — қивиловинг шин-шийданг, бу ҳам бало,  
Торлик қилиб, чорва ҳеч ўнғолмайди.

Еши кичик улкандан уялмайди,  
Баднафсии бўш қўйган, тиёлмайди.  
Салом — бурч, сўз ҳам қувлик бўлгандан сўнг,  
Номус қайда, ор қайда, бу — синалмайди.

1886.



Адашғаннинг олди — жўп, орти — сўқмоқ,  
Уларга жўн бекорчи сўзни уқмоқ.  
Қоп керик; молга ботган киши янглиғе  
Унда йўқ эгриликдан қитдай қўрқмоқ.

Бир газ мата чонони қалта-ю чоқ,  
Белин боғлаб, гердаяр, алтоқ-талтоқ,  
Богичларни томоқна тортаман деб,  
Оқ тумоғини қулоғи кир ва шалтоқ.

Ез куни ҳам бошидан бурки тушмас,  
Қўлида бир газ таен у ҳам ошиоқ.  
Керагага тағинни санчилб қўниб,  
Бўрқани илио, қараиди ялтоқ-ялтоқ.

Чалвори қувлигига гувоҳ ёлғиз,  
Тиззасини тортқилар ўтирасаёқ.  
Тутқундаги кишидай бир ҳоли бор,  
Куни бўйи очиниб, излар ётоқ.

Ким учраса ўзини тенгдои кўриб,  
Иши унине суйканимоқ ва тиржаймоқ.  
Сўзласа башараси юз турланар —  
Қоп кермоқ, бўйин бурмоқ, хўроаланмоқ.

Бундай шийданг эл ичра учрар кўирок,  
Барчаси ҳам чорвада ўлоқ-чўлоқ,

Ичи пуч, лекин спрти ялтврайди,  
Бекорчи, шовқин солар ва мақтаңчоқ.

Йүқ уларнинг фикрида молин боқмок,  
Меҳнат қилиб, ҳунар билан әлга ёқмок.  
Ёлғиз отин терлатиб әл қидирар,  
Саломланишмай, ишшаяр кўрса олчоқ.

1886.



Бұз болалиқ чинакам гүзал даврон,  
Лекин қарыш манглайды бор-ку аёи.  
Ешликда күкрак керпік, ваҳима йүқ,  
Бахт қайда деб юрмаймыз спра ҳайрон.

Ұлаң айтмоқ әрта-кеч бізнишінг юмуш,  
Латифадаң иборат гүё турмуш.  
Қызылк овул ёнидан кетолмасдан,  
Махтанчоқтык этады дидини хуш.

Деманглар: «Уимас ишга юпанайлик,  
Ақл топсак, мол топсак — қувонайлик...  
Ер севғаңда бирни сев, таңлаб топиб,  
Күнда бир ошиқлік бу — девоналиқ.

Етапика да бир күлганинг — бир қоралиқ!  
Күлкі деган бир күрар бечоралиқ.  
Аввало ҳунар изла, құлдан келса,  
Е тер түккип, күрмайсан ҳеч хоралиқ.

Түй бўлса, тўн кпляйлик, юр — борайлик,  
Биримизни биримиз ағдарайлик,  
От ориклар, тўн тўзар, қадр кетар,  
Эс борида бу гапга бир қарайлик...

Мард ҳислати, асининг борлигидир,  
Мушкули — дупё қўлини торлигидир.

<sup>1</sup> Бир қоралиқ — бир мол баҳосида.

«Хай-хай» билап бўларми, бўз болалар,  
Бу беш кулилк дунё эр орлигидир.

Хуморлигинг тутса ҳам берилма ҳеч,  
Ҷаҳима йўқ олдимда деб билма ҳеч.  
Ялиниб ва ёлвориб, сарсон кезиб,  
Кўрасан барини ҳа, керилма ҳеч.

Олифталикдир бошга битган бало,  
Унинг ҳам сўнг манзили бор аввало.  
Ўғри ҳам бўлар киши, дайди-саёқ,  
Мол топмаса меҳнатга бўлиб шайдо.

Оталар бошдан ақл бўлмаса гар,  
Ўйлатинига йўқ эса ё акалар,  
Қайдан топар ўтказгани давронини,  
Охирида кимдан бориб у ўпкалар?

Бу элда бўз бола йўқ, сўз уқарлик,  
Яхши айғирга бия йўқ, от туғарлик.  
Хайтовур, оқсоқоллар айтмади деб  
Юрмасин-да, озгина сўз чиқардик.

1886.

Йигитлар, ўйин арzon, кулғи қиммат,  
Иккиси пкки нарса — сир ва симбат.  
Сохта эмас, чин қалдан куладиган  
Киши бўлса, ярайди қилса суҳбат.

Бир хил одам тинглар уйдан чиққанича,  
Бир хил одам қулоқ осар уққанича.  
Сўз маъносин тушунар баъзиси бор,  
Авайлар ҳар бир сўзни ўз ҳолича.

Чин юракдан севса экан қимни севса,  
Ўз сўзида турса экан ёнса, куйса.  
Бир хил нозик, ишак каби бўз болалар,  
Арzon бўёқ каби айнар бир нам тегса.

Бўз болага келишади талабчаник,  
Хуш феълик, ҳуғар билиш ва ишчаник.  
Баъзи йигит сиртидан хуш кўринади,  
Қилган иши мақтандоқлик ва майманлик.

Шу ажойиб куиларниги тутув ўтказ,  
Етиимаса бирингиники, биринг етказ.  
Бегараз, иноқ бўлгии чин кўнгилдаи,  
Хиёнатли бўлишликини дилдан кетказ!

Бир ерда бирга юреанг бопинг қўшиб,  
Бир-бирингга сўзлагин қалдан жўшиб,  
Бир-бирингни ҳурмат эткил, иззат эткил,  
Турмагин бир-бирингдан қўрқиб, чўчиб.

Чии дүстлик, сұхбатдоплик улуг индир,  
Бүншіг қадрии поқобилемар билмас ҳеч бир.  
Чии инсон ортдан сүзлаб, кулиб юрмас,  
Ұзгаларга зинҳор-зинҳор етказмас сир.

Бадавлат йигитман, деб, ҳамои бўлмас!  
Енгилтаклик қилсанг сира кўнгил тўлмас.  
Эр йигит ўз йўлини топиб юрсин,  
Ҳаромтомоқ бўлсанг агар, баҳтииғ кулмас.

Бирори ҳуспи бор деб яхши кўрма,  
Бекарор нафесиг учун чопиб юрма!  
Хотин яхши бўлмайди ҳусни билан,  
Хулқини яхши билмай кўнгил берма!

Кўп чидамас, арзои мато тездан тўзар.  
Ўткиничи, енгим ҳавас дилни бузар.  
Қунда кўрган битта бетдан кўнгил қолса,  
Қилини қирқ ёргаи доим ўзар.

Юрагининг тўлқинин хатдай танир,  
Қандайча сездирмайди сўқса томир.  
Ёр учун жонининг ҳам фидо қилиб —  
Юрганишни билса албат, қиласр сабр.

Ҳа деганда кўринар сулув ортиқ,  
Бонгич, кўни улариниг бўлар ишкис.  
«Бетим бор-да, бетимга ким чидар» деб,  
Вири расо бино қўяр, бири тантиқ.

Ақл керак, иш керак, хумқ керак,  
Эр уялар иш қилимас бўлса зийрак.  
Шилта, шилқим, лўттибоз бўлса агар,  
Үндайларга дўст топилар жуда сийрак.

Хотиншыг сени суйса, сен учи суй.  
Бирга өниб, бирга шодлан, бир ўтда күй,  
Эр ақлан, хотинш доно, лобар,  
Тотув бўлиб яшаса гуллайди уй.

Пўқ бўлса хотиншигниг четдан ёри  
Ва бўлмаса хулқининг кирдикори,  
Кўнгли тоза, қалби соғ бўлса бир гул,  
Ҳамон бирга боришар баҳт сарп.

Безаиган, моли кўп, деб, бойдан олма,  
Пўқсул қизи арзои, деб ҳеч хўрланма.  
Ори бор, ақли бор, номуси бор,  
Ота, она қизидан ғофил қолма.

Үйингга тотув тенгдош келса кириб,  
Қовоқ солма сен учи иймандириб.  
Эри севгаи кишини у ҳам севсин,  
Хизмат қилсин кўнгли тоза юриб.

Боадаб, очиқ кўнгил бўлсин ўзи,  
Маъниоли дил оғритмас бўлсин сўзи.  
Сен уни ҳурмат қилиб сўзлаганда,  
Хотинингда бўлмасин унинг кўзи.

Дўст бўлади бугун тотув, эртан ботар —  
Қалбингга. Ҳамма иши сени сотар.  
Юрагида бузуқлик йўқ, хиёнат йўқ,  
Чии дўстни кўнгли очиқ кимса топар.

«Фойда», «мол» деб туғилар эндиги ёш,  
Меҳнат қилиб, терии тўкиб ҳеч ишламас.  
Ёймачилик қилар ўзи кулки бўлиб,  
Олеа бермас, ҳамон унинг кўзи тўймас.

Савдо иши қимор каби — олиш, бериш,  
Күп кишининг қылған касби, мана шу иш.  
Бирин фойда талашиб, бирин алдаб,  
Довлашиб, уришиб, сипдирап тиш.

Еш болалар тез орада дўстлашади,  
Жуда яқин икоқ бўлиб олишади.  
Бир-бирини қучоқлаб, ҳайқирпиниб,  
Ўйни битар чогида солишади.

Битаси ўиғлаб келса уйи томони,  
Ота-она шояқни солар ундан ёмон.  
Тотувлиги қуриб кетсии, ўйини ҳам,  
Худди шунга ўхшайди ушоу замон.

Ёмон дўстлик қазийди ўзингга гўр,  
Ипонсанг унга, бир кун бўласан хўр.  
Ори бор, уяти бор зўрга ишон,  
Ўзи зўрлиниг бўлади ҳиммати зўр.

Қозоқининг қайси элининг бор сараси.  
Қилт этсанг доим тайер бир балоси.  
Хулқининг бир белгиси тухмат қилиш,  
Йўқ бўлса ҳам беш бериб, олти оласи.

1886.



Бозорга, қараб турсам, ҳар ким борар,  
Излагани на бўлса шу топилар.  
Бирор овқат олади, бирор маржон,  
Ҳар кимга бир хил нарса бермас бозор.

Ҳар кимниг излаган бир нарсаси бор,  
Чамалаб оқчасига шундан олар.  
Бирор уқмас бу сўзиш — бирор уқар,  
Баҳосин фахм қилмай ҳайрон қолар.

Сўз уқар ушбу кунда киши борми?  
Демайман сўзи юртга бирдай ёкар.  
Ёзгай сўнг ерда қолмас тешик мунчоқ,  
Бирордан-бирор олиб, элга тарар.

Бир кишимас ёзганим ялни юрт-ку,  
Фижнимайтироқлар уқсанг ярар.  
«Ит маржонни на ғилени» — деган сўз бор,  
Дили ўтли йигитлар бир ўйланар.

1886.

Илм топмай махтанма,  
 Ўрин топмай бошланма,  
 Хуморланиб шодланма,  
 Ўйнаб бекор кулишга!  
 Беш нарсадан қочиқ бўл!  
 Беш нарсага ошиқ бўл!  
 Одам бўламап десангиз,  
 Тилагинг, умринг олдингда,  
 Унга қайғу есангиз.  
 Блон-япик, махтавиқ.  
 Эринчак, бекор мол чочмоқ,  
 Беш душманинг билсангиз!  
 Талаб, меҳнат, теран ўй.  
 Қаноат, раҳм, ўйлааб қўй.  
 Бени асл иш – кўнсангиз.  
 Ёмоллиқ кўрсанғ пафратли,  
 Совутиб кўигил тийсангиз.  
 Яхшилик кўрсанг ибратли,  
 Уни ўйга йигсангиз.  
 Олим бўлмайин нима?  
 Болаликни қийсангиз.  
 Бўлмасанғ ҳам ўхшаб бок,  
 Бир олимни кўреангиз.  
 «Ундай бўлмоқ қайда?» деб.  
 Айтма илм суйсангиз.  
 Сизга илм ким берар  
 Енмай ётиб сўнсангиз.  
 Дунё ҳам, мол ҳам ўзи,  
 Йлмга кунгил берсангиз.

Билгапларшыг сўзига.  
Мұҳаббат-ла кирсангиз.  
Ақл қайтмай, қайтмангиз  
Бир ишга күнгил берсангиз.  
«Оқсоқол айтди, бой айтди»  
«Ким бўлса, майли шу айтди».  
Ақл билан енгсангиз.  
Нодонларга сўз бермай  
Чин сўз билан ўлсангиз.  
Оят ҳадис эмас-ку,  
Коғир бўлдинг демас-ку,  
Қанча қарши келсангиз.  
Кўп олдида сир айтма,  
Бизниңг сўзга кирсангиз,  
Буни ёзган кишии  
Отин вафосиз дунёдан  
Чечан ҳам ўтган не булбуя,  
Устоз ҳам ўтган не дулдул,  
Сўз маъносин билсангиз.  
Ақл — мезон, ўлчов қил.  
Агар қийшиқ кўринса,  
Майлинг ташла, майлинг кул!  
Агар тўғри кўринса,  
Ўйлагину қулоқка ил!  
Аҳмоқ кўп, ақлсиз оз,  
Дема кўпнинг сўзи бул.  
Яқининг сўзи ширин деб,  
Яқиним айтди деб кўрмал  
Нодонлик-ла ким айтса,  
Ундаи бўш сўзга кирма!  
Сизга айтдим ҳавғим шул,  
Ўзинг учун ўргансанг,  
Емонликдан жиркаисанг,  
Очиларсан йилма-йил,

Бирор учун ўрганғанг,  
Бирор билемас, сен билсанг,  
Билғанларингдир бир пул.  
Сүзига қараб киши ол,  
Кишига қараб сўз олма.  
Чин сўз қаиси билолмай,  
Ҳар ишдан қуруқ қолма!  
Сўзин уқиб хўп ўйла,  
Тез ўрганиб тез жўйма.  
Еш вақтида кўнгил гул.

1886.

Сабрсиз, орсиз эрипчак,  
 Күрса — қиаар ялмоғиз.  
 Шүрлик қозоқ шу наждан  
 Олти бақан ола оғиз.  
 Ўзи-ла ўзи кунлашар,  
 Яқни билан хунлашар,  
 Беорлик, бедодликдир.  
 Үялмас, ўйга ботмас,  
 Қўи десанг, тилин тортмас.  
 Бекорчи, ёмон отлидир.  
 Бир сакрасам чиқдим деб,  
 Қўйинга мол тиқдим деб,  
 Тон агаанаб ётади.  
 Анойн мол тоидим деб,  
 Даволанига овул чондим деб,  
 Ҳаммани ҳақшатади.  
 «Не қилганинг?» дейипсеа,  
 Бўлмағур гай сотади.  
 «Қутулай» деб ишидан,  
 Үнгасин кўриб кипидан,  
 Чиқимга ўбдан ботади.  
 Бу бўлмаса — униси,  
 Осои учун кўниши,  
 Олисан таъм тотади.  
 Ислаб-истаб мол тоимай,  
 Ўқиб-тўқиб зол топмай,  
 Уйда хуррак отади.  
 Эл қидириб, ош ичиб,  
 Эр иомуени сотади.

Бола-чақа бенаасиб.  
Үйда очқаб ётади.  
Йүқ ҳунари, тергашы,  
Бир чүлөңдир әргашы,  
Онт ургаң бир ялт чиқди.  
Бир сүз учун мушт бўлиб,  
Бир кун учун дўст бўлиб,  
Қуруқ чопган салт чиқди.  
Айёр ким деб сўрасанг,  
Қалъага чопар дам олмай,  
Устингдан ёлғон арз қилар  
Элу юртдан уялмай.  
Миш-мишдан бўлак сири йўқ,  
Чорнага кўз қири йўқ.  
Ёлғон-яшиқ, гийбат, лоф  
Оқиб турса шарқираб.  
От-чопондаи кам кўрмас,  
«Кув» десапгиэ, ярқираб.  
Шум нағасин тиёлмай еб,  
Отим чиқиб турсин деб,  
Тўйга борса — нас бўлса,  
Тўс-тўполои тўдада  
Ароқ ичмай масти бўлса,  
Эл тинч бўлса озади,  
Зерикиб ўлаёзади.  
Үйда қолса шалвираб,  
Тузга чиқса алвираб,  
Кишини кўрса тиржайиб,  
Гап отишиб, иржайиб,  
Ўз уйида қилпанглаб,  
Бироннинг уйида куй танлаб,  
Ақли бўлган одамни  
Булғалайди, додлайди.  
Оп-нони бор туққанин

Очкӯа ит деб ётлайди.  
Молу ҳолингнинг шўри,  
Текинтомоқ кўпайди,  
Кимдан кимман дер, кўрсанг  
Ҳуриб турган кўппакни.  
Тил билан қутуриб кетар,  
Бир кун ўтириб кетар,  
Яхшилик қилган киписин  
Йўқ қилишга таяиди.  
Содда қилиб юргани,  
Турган-битгани — касофат.  
Ўзи ўнгмасдан тегарми?  
Бирорларга шарофат?  
Кимни уялиб яйди?  
Дурусти йўқ сўзининг,  
Омади йўқ ўзининг,  
Ўнкай алдаб қўяди,  
Чиннинг кўэин ўяди.  
Сўзимнинг ёлғони йўқ.  
Айтилмай қўйгани йўқ,  
Ёмондан бўлинг ҳазир,  
Эл йўриғи шундайдир!

1887.

## Күз

Сур булут, раңги совуқ, түлар осмон,  
Далапи қучогига босар тумаң.  
Түйганданми, билмайман, түнганданми,  
Үюр-уюр йилкілар чопар ҳар ён.

Майсазор йүқ, тараса елларда соч,  
Тилаңчидай қуп-қуруқ ҳар бир ёғоч,  
Гүдаклар шөвқиң солмас, югуришмас,  
Чүл ёниб кетғап каби қип-яланғоч.

Биревлар — иўстин тикар, териси мүл,  
Биревлар — жулдур чакмоң, кезади чүл;  
Бой учун, қийғиз босар гала чүри,  
Биревлар куни учун олади йүл.

Турналар түп-түп учар тушлик еққа,  
Сарбоши бор карвошни бошламоққа.  
Қай овулга бормагин, ғусса түлиқ,  
Ел ўшқириб чопади тоғдан тоққа.

Күнгилсиз қора совуқ, қирда юрсанг;  
Бирев келиб қарамас ёлғыз ўлсанг.  
Гүдаклар оч, инграштар кампир ҳам чол,  
Итлар ҳам оч увлашар қайда күрсанг.

Ез ўтди айрон ичиб яйловларда;  
Олов йүқ, бу чоқ қора ўтовларда.  
Шүринг қурсин, қозогим, шүринг қурсин,  
Молинг мүл, оч кезасан, қишловларда.  
*1889.*

Ез кетди, кишининг боши, дала бежой,  
 Қора ел сўқиб турар бир-икки ой.  
 Қор тушгунча яйловни фойда кўриб,  
 Қашловдан ҳамон нари ўтирас бой.

Гадої шўрлик юради пода боқиб,  
 Ўтиши йўқ, исинса олов ёқиб.  
 Хотин урчуқ йигирар, юнг савалаб,  
 Чакмон тикар совуқда елка қоқиб.

Жулдур ўтөв ичида музлар гўдак,  
 На қуюқ, на суюғи... бўзлар гўдак.  
 Чурук кийгиз остида титрар бобо.  
 Тушида гўпт кўрганинг сўзлар гўдак...

Қари қўй сўйдирав бой баҳиллиги,  
 Оч юрибди камбағал ақллиги.  
 Уринмайин ярим қоп қий берса ҳам,  
 Қўйчи бойининг каттакон сахийлиги...

Бўронда ҳам тўнгмайди бой боласи,  
 Ўтоп иссиқ — кийгизли айланаси,  
 Қарол ўғели бош букар хизматида,  
 Писанд эмас кўз ёши, оҳ-поласи.

Оч болага ўрин ўйқ бой уйида,  
 Сорқўтга ҳам илинмас шу қўйида,  
 Лекин узоқ кетолмас, чораси йўқ,  
 Ўтирас уйгап юқдан сал қўйида.

Қаролига бермайди бой парча иши,  
Хизматга ҳам хайри пүк, өнүз ҳайвои.  
Мекри йўқ, ипсофи йўқ, имони йўқ,  
Нега одам яратдинг, қодир мавлон!

Қароли оч ўлса пе, бой ўзи тўқ,  
Меҳнат билмас, ҳак бермас кўалари лўқ.  
Еш бола, камнир, чолни тептиратмай,  
Ҳеч бўлмиса бир қуни боқ, ипсофи йўқ!

1889.

## Қиши

Оқ кийимли, паҳлавон, оқ соқолли,  
Сүқир, гунг, ҳеч тағимас тирик жонни,  
Үст-бөшін оқ қирову, тузи совуқ,  
Ғарчиллаб келди қишининг қаҳратони.

Нағасидан эсіб турар аёз ва қор,  
Қари туллак қиши келиб ташвии солди.  
Чақмақи бүркін кийгаң чеккасига,  
Аёздан юз қирмизи чирой олди.

Икки күзин булатдай қоши ёпған,  
Бом сиқиса, қорлар ёғиб, мазаңг олар.  
Ола-тасир бүрөндай жиши құзғаб,  
Олти қанот оқ ўрдата титроқ солар<sup>1</sup>.

Үйнамоққа чиқиб қолған ёш болалар  
Бет-құли түнғиб қолиб, ушук урдп.  
Қават-қават чопон кийған молчи ҳатто,  
Илгиринга чидолмасдан юзин бурдп.

Қор тепишдан ҳоримас йилқилар ҳам  
Холдан тойиб, дийдираб, турғып қолди.

<sup>1</sup> Олти қанот ўрда — олти керагадан құралған катта ўтов.

Қим билан бирга човут солди қашқир,  
Чүнөнларим, хор қыманғыз унга молни.

Молни ёйиб, күау қулоқ бўл, биродар,  
Үйқу қочмас, ғайрат қилиб, буз қамални!  
Ит еганча Қўндибою Қанай<sup>1</sup> есин,  
Майли, қуруқ жўнат манов ҳари чолни.

1888.

<sup>1</sup> Овул номлари.

Вафот этса яқин дүст, рамлы писон,  
Қазо күрган юраги ярали, қон.  
Күз ёшига чўмилар ўланни ҳам,  
Боқинлари кўп маъюс, мунгли нолон.

Ёринг билан окулда кессанг ғагиз,  
Ё күёвни кутсанг, ё узатсанг қиз,  
Тортшув ҳам «бет очар», «ёр-ёр»лар ҳам,  
Ҳен қачон қизиганими шўх ўлансан?

Чақалоқ туғилганды тўй зўр бўлар,  
Тўйлик овул ўланга, куйга тўмар.  
Бурунги яхшилардан қолган мерос...  
Ўланга доимигин соглан улар.

Дунёнииг ёшигини очар ўлаш,  
Ўлган кирар қабрга ўлан билан.  
Тирикликинииг шериги ўлан, билсанг,  
Бир ўйлаб кўр, бош қоқмай аланг-саланг.

Ўланни айтмоқ тугул, уқоямайсан.  
Айтсанг ҳам уддасидан чиқомайсан.  
Ениб-ёниб айтади ўлан айтган,  
Сен ҳатто бу гаи матзии чақолмайсан.

Ўланк сўзлар пақшидир, ўландир соз,  
Унда сўзлар куйлайди жам, жўровоз.  
Сўзи тотли, маъноси тузук келса,  
Бундай ўлан, пубҳасиз, бўлар эъзоз,

Қорни түқ сүз уқмайды, бил, ҳеч бир пайт,  
Сен ўланни оқ күнгил кишига айт.  
Үнинг ҳам ўланга хүп вақтини топ,  
Тополмасанг, яхписи, бу ўйдан қайт.

Ўлан учун сўрмагил сийлиқ ҳеч бир,  
Ўлан айтдинг, нима йўқотдиг ахир?  
Йироқ бўлгин ўланни сотгувчидаи,  
Ўлан сотиб ион есанг, ионинг тахир.

Нодонларга шеър айтни бўлма мазоқ,  
Ҳадриппга отадиган тўнда озроқ.  
Бирни у ён қарайди, бирни — бу си,  
Тугал сўзни тинглашга йўқ-ку қозоқ.

Бухор жиров, Чўртонбой, Џулат бироқ,—  
Ўланни бирни ямоқ, бирни қуроқ,—  
Ўлан айтар; сўз танир кини бўлса  
Дер эди: «Ўлан йироқ, улар йироқ!»

Муродим — тилни чархлаб ҳунар сочмоқ,  
Нодоннинг кўзи тугул, кўнглин очмоқ.  
Ўриак олишсиз дейман ёш йигитлар,  
Шул тайларни айтганда димоғим чог.

1888.

## *кўламбойга*

— Ваалайкум ассалом!  
Мингбоши, мол-жон омонда.  
Яхшиларга дуч келдинг  
Алгов-далгов замонда.  
Ота-бобоинг эл бийламай  
Ўтган эди армонда.  
Бўлисликни ишта сол —  
Харжинг қайтар, демасми.  
Ҳазиллашдим, ё бунга ҳам  
Чамагинанг келмасми?

Тура солиб чопасан  
Чопар келса қичқириб.  
Не қиласан Уяз келса  
Аждаҳодай ўшқириб?  
Ўтирибсан уйингда  
Ўз-ўзингдан кўпириб  
Мансаб бекор бўлгудай  
Бирор ўтса тупуриб...  
*1888.*



Қалбингда ўтинг бўлса,  
Ушбу сўзга бер кўнгул!  
Агар ўтинг бўлмаса,  
Майли тирил, майли ўл!

Тапимассан, кўрмассан,  
Кўэ ўтингни босса кул.  
Имомсизлик номозда  
Қизил бошдан қолган ул.

Чувлаган эл не тошар  
Бошқармаса битта қўл.  
Баракали бўлса эл,  
Ёқаси яйлов у бир кўл.

Япроқлари чайқалиб,  
Ўйнаб турар эssa ел.  
Ён-берига гуркираб,  
Қўйиб турса оққан сел.

Унинг моли ўзгадан  
Ўзгача бўлиб ўсар ул.  
Баракаси кетган эл  
Суви сассиқ, ботқоқ кўл,

Қушлар қанқиб ёқалаб,  
Бола очмас сира ул.  
Унинг сувин ичган мол  
Ичи кетиб ошмас бел.

Күл деб, уни ким айттар  
Суви қурсин у бир чүл.  
Единица яхшиси  
Эргаптаган эл — шундай ноль.

Единица нолсизоқ  
Баш-башдоқлик бўлар ул.  
Единица бўлмаса  
Нима бўлар ҳамма ноль?

Баракатни ўочирма,  
Ол тинч бўлса яхши ул.  
Тўғри сўзга талашиб,  
Оқ ем бўлма, жоним бул!  
*1889.*



Мен ўланни ёзмайман әрмак учун,  
Үтгай-кетган гапларни термақ учун.  
Мен ўланни ёзаман түшүнганды,  
Авлоңимга бир сабоқ бермак учун.  
Сўзимни төптак уқымас, зийрак уқар,  
Күнгәнининг күзи очиқ, сергак уқар.

Қийшик-қиитир йўлшардан келма менга;  
Тўғри кел, кўп сир очиб ташлай сенга.  
Эҳтийол, биринчи гал уқмассан ҳам.  
Ўлан алифбесидан бошлай сенга.  
Айтиб қуяй, ёқмаса, шу замон айт;  
Яиги ўлан сўрамай, овлингта қайт.

Мен ўланда афсона куйламадим,  
Олтиидан қўйма қизни ўйламадим.  
Кексаларга ҳеч ўлим тиламадим,  
Ёшлирга ёмон бўл, деб сўйламадим.  
Жирканмайни, сўз аслин мейдан сўра,  
Сўзимниң таги тераш, пайқаб қара.

Ота билан олишган — одам эмас...  
Саргардон ҳам саёқлар ҳеч кам эмас.  
Ватансиз, подон, молсиз етиб — ортар,  
Хотинбоз, қуруқ савлат, сир ҳам эмас:  
Қозоқда бангилар ҳам чиқиб қолди,  
Беҳунар ҳангилар ҳам чиқиб қолди.

Үлан күп, түсиз үлан тегди жонга.  
Елғон гап түлиб кетди бу жаҳонга.  
Оқинларга ялинаман, ақлга кир,  
Асл сўз, сайлаб сўйла ёш инсоига.  
Үлан бор — ўланларниң ўланидир.  
Үлан бор — бемаънидир, бемаънидир.

1889.

NATLIB.UZ

Аввалдан бир совуқ муз — ақл зийрак.  
 Иситган бутун бүйни исесік юрак.  
 Саботлик, талабгорлик, чидамлилик  
 Бу ғайратингдан чиқади, билсанг керак.  
 Ақл, ғайрат, юракни бірдаң ушла,  
 Шунда тұлқын бұласан әлдан бұлак,  
 Якка-якка ҳеч бири ёритмайди.  
 Йүлда йүқ ярим ишни яхши демек.  
 Ақл ҳам, ғазаб ҳам йүқ, кулки ҳам йүқ,  
 Үйнаб, қайнаб бир юрак қиласар ҳалок.  
 Бирорининг куни йүқ, бирорисіз,  
 Илм — шу учовининг жүнин билмак.  
 Ошиқлик, ишқибозлик — у иккі йүл,  
 Ишқибозлик нағе үчүн бўлади қўл.  
 Сендан ортиқ жон йүқ деб ошиқ бўлдим,  
 Мен не бўлса бўлайин, сен омон бўл!  
 Кўнглимининг роҳати сен бўлгандан сўнг,  
 Яширинма нурингга жон қувонсин.  
 Бирга ёқсан, бирога ёқмас эди,  
 Суйкумли тирик жонга кетган жонсеп.  
 Ошиқлик келса енгар кўнгил олиб,  
 Юпатар безгак каби сўлқиллатиб.  
 Бутун тани тўнгар, совур — умид узса.  
 Умидланар, ўртанар, куйиб ёнар.

1889.

## *Йигит сўзи*

Салом бердим, қалам қош,  
Сенга қурбон мол ҳам бош.  
Сориниб, сени ўйлаб,  
Кўздан оқар қайноқ ёш.

Сендан ортиқ жон тугмас,  
Туғса тугар — ортилмас.  
Бир ўзингдан ботқага,  
Ошиқлигим айтилмас.

Асл одам айнимас,  
Ишқ ўтидан қайрилмас.  
Кўрмасам ҳам, нўрсам ҳам.  
Кўнглим сендан айрилмас.

Кўзим ётга қарамас,  
Ет ҳам менга ярамас.  
Тор тўшакда тўшишгни  
Искармидим планёоч!!

Ийигимда сунбул соч,  
Қучоқлашсак биз бирлас.  
Лаззат олсак бўлмасми?  
Кўз юмилган, кўнгил маст!!

Сизда ноз, биэда ихлос,  
Шу сўзимниң бари рост.  
Сиздай ёрнинг дуниёда,  
Лаззатига жон тўймас.

Этинг этга текканда,  
Даминг тийиб сүйганда,  
Тан жимирлаб, бўй эриб,  
Ичим ўтдай куйганда.

Юрак эриб еганда —  
Ички сирни туйганда —  
— Излаб топар шунқорман.  
Гўзалимни қувганман.

Жоним, ҳижронни йўқот,  
Қараб тўймайман юз қат,  
Иссик тийиб борасан,  
Бир соатдан — бир соат.

Сиз қирговул жез қашот,  
Гул юзингин бир қарат.  
Яқинлай бер ёнашиб,  
Хуморимни бир тарат.

1889.

## *қиз сүзи*

Келинтириб мактайсиз,  
Үйласанг па топмайсиз?  
Бизда эрк йўқ, ўзинг бил!  
Алла пега бойлайсиз!..

Биз ҳам одам пайқаймиз,  
Биз мардларни ёклаймиз.  
Сиздай асл гез келса,  
Қайтиб ботни чайқаймиз.

Ақлисан, сўзинг бой,  
Сиз ялкин чўғ, биз бир мой,  
Иссиқ сўз кирди пчга,  
Мой туарми эримай.

Қабул кўрсанг кўнглим жой.  
Ташлаб кетсанг, ёпирам-ой!  
Ит хўр одам бўларми?  
Бу дунёда шўрлигингдай.

Тилагимни бермасанг,  
Амалим не, ерласанг,  
Ўргатмагин бўйинги,  
Аниқ яхши кўрмасанг.

Асл ошиқ эрга тенг,  
Қора кўнглим ерга тенг.  
Сенсиз менга ёт тўшак,  
Бўлар худди гўрга тенг.

Сиз бир шупқор шоқыпраоз,  
Ер юэидан олган бож.  
Биадай ғарип ҳисобсиза,  
Күйингда юрар муҳтож.

Тол чивпекдай ўралыб;  
Гул шохидалай буралыб;  
Салмогингдан яичилиб;  
Қолсин хумор бир қониб.

Буни ёздим ўйланиб,  
Үйда бордац түлғапиб;  
Екса дилга ўқий бер,  
Нигитлар құлға олиб.

Буни ўқиса ким тайиб,  
Юрагида ўт ёниб.  
Сүз уқарашик жоң тоңса,  
Айтса бүлар күй солиб.

1889.



Нақ билакдай сочи унинг ўрим-ўрим,  
Чўлписи, аста юреа, жаранг-жулинг.  
Қундуз бўрк, оқ томоғу қора қошли,  
Кўрганмисан сулув қизниңг бундай тури?

Қора кўзи худди тиниқ ойнадайни,  
Юракка чўғ ташлайди боққап сайни.  
Оқ бадани, очиқ юзи эспи олар,  
Нозанин кўрганмисан бундай майни?

Чикка бел, расо комат, мўъжаз обек,  
Бундай қизлар оламда учрайди кам.  
Пиштап олма янглиғ улар тотли бўлар,  
Кўз олдимдан кетмайди сурати ҳам.

Тегиб кетса қўлиңг агар билагига,  
Тўлқин уриб киради кон юрагингга.  
Яногидан ўпич олар бўлсанг агар,  
Зўр қалтирок киражакдир суюгиннга.

1889.



Эм тополмай,  
Ёнган ўтдай,  
Түлди қайту гавдага.

Сирлашполмай,  
Сүз очолмай  
Бандага.

Күп уядим,  
Күп пймандим,  
Кимни күрсам мей уидан.

Юзин босдим,  
Туриб қочдим  
Титраб жон.

Үйқу, томок,  
Қолди шундоқ,  
Кераги йўқ иш бўлиб

Тинч ётмоғим,  
Хол олмоғим,  
Хум бўлиб.

Еш юрагим,  
Енди менниг  
Жой тополмай, ёпирим!

Үзүүг башла  
Яхши йүлгэ  
Аста-секин.

Еш дарахтнииг яироги  
Силкинади сүкса ел,  
Эгилди бүйним,  
Түлди қүйним,  
Окди сел.

Ман ванг эдим,  
Бөгөм эдим,  
Хар нимадан қайгусиз.

Гоҳ севиндим,  
Гоҳо куйдим,  
Гоҳо муз.

1890.

Ұзгага күнгілім түярсан,  
Ұланни қандай құйрасан?!  
Уни айтғанда түлғаниб.  
Ичдаги дардни қуварсан?

Саіра, зорлан қызыл тил!  
Қора күнгілім уйғоңсін.  
Йиғлаб күздан ёш оқсін.  
Ұмровим ҳам бүялсін.

Қора босиб санқиган  
Нодон қандай уқолсін?  
Күкрагида ўти бор  
Әр йигит қулоқ солсін!

Тингламаса ҳеч одам,  
Ұз юрагим түлғонсін.  
Хар сүзига қарасин!  
Ичдаги дардим құзғолсін!

Хаволасин, қалқисин,  
Елқин сочиб балқисин.  
Йиғлаб, куйлаб ўлғанда  
Авлодимга сүз қолсін!

Мендей ғаріб дуч келса,  
Бүйнін згиб үйлансін.  
Маңқул күрса сүзімні,  
Кимга ёқса шул олсін!

Не фойда бор, минг подов  
Сиртда эшишиб таңласин.  
Үндән кура бир эслек  
Ички сирни аягласын!

Үзингиз ҳам ўйләңгиз,  
Нече турли жон борсиз!  
Илм ҳам йүк, мия ҳам,  
Даладагы жондорсиз!

Қалбинг билан тингламай,  
Қулолинг-ла ушларсан.  
Шуни күрпіб, шуларни  
Қайси дил-ла хушларсан!

1890.



Ошга, түйга бораркан,  
Жөп ошиқиб ёш йигит.  
Құлшын боғлады душман,  
Тиреккүнің иши — умид.

Қийнады ёв ботир әрни,  
Бир қиёмат согалы.  
Қайлпен қола берді  
Мард күтарып олгалы.

Ошиқсанғ ҳам, чирогим,  
Нешанадаги бўлар.  
Эшитган йўқ қулоғиң,  
Қиёматда ёамиш иелар.

Қайлиқ эса, суйишга,  
Куёвига интизор.  
Бир ёстиққа боп қўйишга  
Ваъда қизганди дилдор.

Оқдан кўйлак бичтириб,  
Куни билап тикади.  
Иш битмасдан кеч кириб,  
Боёқим эптикади.

Шошган қизом деб, амрин  
Ўзгартирамп оллоҳ.  
«Айтгаппиг бўлармикип?»  
Кўзим стмайди звоҳ.

Танаасин яра босиб,  
Йлгит ўлди ор учун.  
Бу дүнёдаң бенасиб,  
Күэ юмди у ёр учун.

Тез тарқалар ёмон гаи,  
Эл эшитди, билди қна...  
Оқ күйлагин битказиб,  
Кафаним деб кийди киз...

Васли-висолига етмай,  
Увол бўлган жон экан.  
Азал тақдирда битмай,  
Қўшилмоқ армон экан...

Ошиқлиги чин бўлса,  
Қисматидан нолимас.  
У дунёда дуч келса,  
Бир-бирини танимас.

1890.



Ешлик ўти ёлқинланиб,  
Еш юракда ёнган чоқ,  
Орау оти түлқинланиб,  
Хар балога солған чоқ,

Дилда ғам оз, умид мүл,  
Бел оғримас меҳнатга,  
Бугун-эрта еткүм деб,  
Ният қылғын давлатга.

Файрат иниб, ялинмай  
Ишенинг топиб кўзиши,  
Қўлимдан келмас, демай  
Ярқиратасап юзингни.

Ўти қайтар тананинг,  
Еш пайт ҳам турмас узоқ  
Кокса, қари дунёнинг  
Этагин тут маҳкамроқ.

Думи чаён, юзи одам,  
Ишонмагил дўстингга.  
Усти ял-ял, ичи ҳаром,  
Бало солар бошингга.

Дўстга дўстлик — бу қарз иш,  
Душманнингга одил бўл.  
Плошиғ таги — ўкиниш,  
Үйлаб яшаш — тўгрп йўл.

Оқ күпгилли яхшидан  
Аямай ўртага сол.  
Емондан мақтов кутма,  
Сўзин уқма, жўнаб қол.

Бу шум дунё, қув замон  
Гул кўришар йигитга.  
Ёшлик қилади тугён,  
Қалби тўлиб умидга.

Бир нарса унаб қолса,  
Қайта ўйлаб қарамас.  
Юрт мақтаб, шовқин солса,  
Унга шунинг ўзи бас.

Буидайлар калта ўйлар,  
Билмас олис-яқнии.  
Юрт ҳам билганин сўйлар,  
Қолдирмайди ҳақини.

Ори кетган алдамчи,  
Мени алда, сўкмайин,  
Бол томган кўк қамишини  
Ўрмасанг-чи кўклайин!

Сени яхши кўрмаса  
Боқармиди сўзиннга?  
«Ёнирим-эй» деб терласа,  
Ор эмасми ўзингга?

1891.

## КҮКЛАМ

Күклам келса, қолмайди қиппинг изп,  
Қулф уар қўкаламзор ернинг юзи;  
Жон киради борлиққа, табиатга,  
Она янглиг жилмаяр куннинг кўзи.

Кулишар, ўлаш айтар йигит-яланг,  
Ўтонда ўтиромас қари-қартанг;  
Жон-жонивор, одамизод яйраб кетар,  
Ним қўши қўшиғидан ҳаво жаранг.

Қирдаги, сойдаги эл аралашар,  
Қўй-қўйилар оёққа ўралашар,  
Киш бўйи бир-бирини кўрмаганлар  
Қучоклашар, ўйнашар, ҳол сўрашар.

Туя бўзлар, от кишишар, қўра шов-шув,  
Капалаклар гул излаб учар дув-дув.  
Гул ва дарахт әнгашиб қараганда —  
Сулув қиздай буралиб оқади сув.

Кўл ёқалаб учишар ўрдак ҳам гоз,  
Уя излаб югуар бола шоввоз;  
Учқур отни эгарлаб кўлга тушсанг,  
Чакмоқдай теа ов олар бўз довулбоз<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Довулбоз — ов қуши, лочин.

Күкламдаң кийипишар келпічаклар,  
Ер юзіга күрк берар, бойчечаклар,  
Қирда түрәй саіраса, сойда — булбул,  
Гул била тұлиб кетар — гул әтаклар.

Деңқонлар құш құшади, әкар әкін,  
Хафта ўтмай күкарап әкін-тикин.  
Савдогарлар мол юқлаб, тұя құмлаб,  
Олес-өліс йүллардан келар секін.

Оламга безак берган қодир мавлон,  
Ер — оға, қүёпі — ота, ңури жаҳон.  
Онадал әмпәдірар күкендаң ер,  
Отадай меҳр тұқар өргө оғомон.

Қүёпі — ошің өріш күн севар әмшіп,  
Ер ишқінда ўртаниб, күяр әмшіп,  
Ошиқ йыгит уғқадап күрніганды,  
Юлдуз ва ой севгиппі күяр әмшіп.

Ошиқ — қуеш түн бүйі кутар әмиш,  
Висол пайтиң пойлаб күз тутар әмиш,  
Саҳардан оғуш очиб севганини,  
Мұхаббат оловида ўртар әмиш...

Қим бүйі өр — қүёшни иалар муштоқ,  
Кута бериб соchlари бўлармиш оқ;  
Кўклам ва ёз васлига қониб тоза,  
Гул очилиб, тўлишармиш, етмай қучоқ.

Қуёшга тўғри боққан — кўр бўлади,  
Қуёш кулса оламга нур тўлади.  
Не билай, ўзим кўрдим, қуёш ҳар кеч —  
Олтин чодирига кириб дам олади.



Күзимнің қораси,  
Күңгілімнің сараси!  
Іңшайди жонимни —  
Мұхаббат яраси...

Қозоқнінг доноси,  
Ұлуғи, оғаси,  
Дер: «Үіга тенг келмас —  
Хеч одам боласи...»

Йиғлайман, бўзлайман,  
Дардимни сўзлайман,  
Сен учун сўзларнинг  
Аслини излайман.

Дардимни қўзгайман,  
Адабдан ўамайман.  
Ўзи ҳам бцлмасми,  
Гапни кўп чўзмайман.

Тераироқ қарайсан,  
Термулиб турмайсан.  
Бехабар юргандай,  
Жуда ҳам синайсан.

Оқади кўз ёшим;  
Йўқ ёлғиа мунгдошим,  
Куяман, ёнаман,  
Айланар шўр бошим.

Геакл бий бўлмас,  
Шўъласна уй бўлмас,  
Юракда ўти йўқ  
Одамда мий бўлмас<sup>1</sup>.

Кўркингниң доги йўқ,  
Доғ тушар чоги йўқ;  
Арзимни айтайнин,  
Хоҳ тушун, хоҳи йўқ.

Оқ манглай, қалин соч,  
Соч дегани бир қулоч,  
Оқ томоқ, қизил юз  
Қарогим, юзинг оч!

Расо бўй, хишча бел,  
Сўлқииллар эсса ел:  
Токай мен оҳ урай,  
Қарогим, бери кел!

Сен кулсанг — ёз бўлур,  
Ҳасратим оз бўлур.  
Қулиб қўй, очилиб,  
Токай бу ноз бўлур?

Гул ҳидинг аиқийди,  
Кўркинг нур чалқийди;  
Узокдан кўргандандар —  
Суягим балқийди.

Мақташга сўзим йўқ,  
Сўзлапига юзим йўқ;

<sup>1</sup> Мий — мия дегани.

Құсірай тұзым,  
Қараңға күзим йүқ.

Сенсан — жон лаззати,  
Күрк — тангри давлати;  
Сулувни севмоқлик --  
Пайғамбар сұннати.

Құлоқ сол додимга,  
Оҳу фарәдимга;  
Қүнглимин очдим мен --  
Сен шарыздымга.

У сени ўзинг бил;  
Майлита, батрим тил.  
Ұзуи гап қисқаси --  
Кетғанман сепга зил.

Йиглатмай беқарор,  
Жон фидо, бўлсанг ёр;  
Кулишинг, келишинг,  
Қилади кўп хумор.

Тайсалган — йигитмас,  
Жавоб айт бу нафас...  
Худоё, юрагим  
Енишин қилгин бас!..

1892.



Юрак, тепма, тепган билан  
Күч кетади, фақат күч.  
Ахир, дук-дук этган билан,  
Ишонганинг бари пуч.

«Етим қўзи — бошинг тош,  
Юмалайсан — турасан».  
Шўрлик қалбим, бебардонг,  
Мунча қаттиқ урасан!

Ҳаётга тўйиб боқмай,  
Ташна ёбон сингари,  
Дардлашгани жон топмай,  
Умринг ўтди сарсарн...

Керагинг йўқ, деганингми —  
Талпинасан жони-жаҳд?  
Кези келар, деганинг не,  
Эндингиси не ҳожат?

1892.



Хўп ишонай, унайин,  
Айтганинга кўнайин.  
Сўғининг «иши ҳаром».  
Демай, майли қўяйин.

Топилар деб кўрайин  
Бир одил, оқ кўнгил жои,  
У севса ёки қулса,  
Изига бош урайин.

Ёзилар ярали дил,  
Дунёда роҳат бордир?!  
Сўзламас «яхши одам»,  
Топилар ҳаётдап ҳам.

«Ўтган умр — қўргап туш,  
Гоҳ қайтар,— десанг,— у»  
Ишонганим ўша чоқ,  
Фойда топмадим, бироқ.

Қон қилди юрагимни  
Ўтган умр, ўлгап жои.  
Ақл нараб дунёни,  
Кездим, топмадим нишон.

Қун ўтди, умр ўтди,  
Юрагимда дард, алам.

Номус, ақл, яхшилик —  
Елғон экан бари ҳам.

Болға тушиб пайқадинг,  
Дунёдан құл чайқадинг,  
Борми яна айтарынг?!  
Ишонсанғ шуига ишой!

1893.

Етиб келди куз фасли ҳам,  
Түхта десанг, күнарми?  
Йироқларда қолган күклам,  
Қайт, деганга унарми?  
Баҳорда ҳам тох дилда қор,  
Чечак қорда унарми?  
Қай дилдаки, ўт, олов бор  
Қор ёққанда сўнарми?

Одам деган ҳамма жойда  
Олисроқни кўзламас.  
Фойда дейди, доим фойда  
Үзга сўзни сўз демас.  
Гап ўғирлар у тўш-тўшдан.  
Нипшиқ ва қув — ўзгамас.  
Тўй, ҳайитда ёғли гўштдан  
Бошқасини изламас.

Алладим, йўлдан урдим деб,  
Ҳаддан ошиб ётмасми?  
Ошигиниг пойлаб турдим деб,  
Нулига қувлик сотмасми?  
Мўмииларни қўрқоқ санаб,  
Иисон дерми айёри?  
Макр-алдоқсиз, бу ҳандай гап,  
Бу жаҳонда баҳт борми?

1894.



Баъзи ўсмир замондошлар хафа қилар,  
Үқуви йўқ, ҳар қадамда хато қилар,  
Ор-помуси, токати йўқ, ишончи йўқ,  
Тайшии йўқ, фақат кайфу сафо қилар.

Ёмои билан яхшини фарқ қиласа кошки  
Ёки дину диёнатни билса кошки;  
Қасам ичиб, лоғ уриб излагани  
Бир от билан оидан нари жилса кошки!

Бундай ёшлар ўз юртиниг кўрнамаги.  
На ўқийди, на бир ҳунар ўрганади.  
Меҳнат қилмай, бир амаллаб мол топмоқчи,  
На имону на пин бор, сургалади...

Унда уни алдайди у, бунда буни,  
Жисп берсанг ҳам топилмайди сўзлиниг чини,  
Гумдов бўлса элга қиттак зиён келмас,  
Бир семизроқ от бўлади унинг хуни.

1894.



Севги тили — сўёсиз тил.  
Кўз билан кўр, дилдан бил.  
Бир қарааш, ё бир имо —  
Етар... Боеғланар кўнгил!

Билардим бу тилни мен,  
Овлардим кўп дилни мен:  
Унутдим: бу тил сирин,  
Ва сочи сунбулни мен...

1894.

# *абдураҳмон хасталаниб ётганда*

Эй, худо, ўринлат  
Тилаган тилакни.  
Ортиқча күрқитма  
Чүчиган юракни.

Ялиниб-ёлбориб,  
Оллодан тилайман:  
Дардига даво бер,  
Яна не қилай ман?

Юрагим шувиллаб,  
Суягим жимиirlаб,  
Оллодан тилайман,  
Ўзимча шивирлаб.

Зорланса бандаси,  
Бермасми оллоси.  
Соғлиқ бер эркамга,  
Шу ота дуоси.

Не ёзай, мен беҳол,  
Қўл чўлтоқ, тилим лол.  
Сенп соғ кўришлик  
Чўнг орзу, чўнг хаёл.

Бир совиб, бир исиб,  
Бормоқда иш пишиб.  
Юзингни бир кўрай,  
Суйганча бир қучиб.

Гоҳ умид, тагин ханф  
Күнгилга нүл топиб —  
Киргац сүйг қийиндир,  
Эс огиб, эс оғиб.

Иккى ой шу аҳвол  
Етибдир bemажол.  
Эй, худо, докторлар  
Дилига түғрилик сол.

Олмаса докторга,  
Кўрсатма сўқирга<sup>1</sup>.  
Визитга тўламай,  
Ўйланиб ўтирма.

Докторлар эм этсиш,  
Чиройни пинтсиш.  
Оқчани аяма,  
Ўйқунгни тинчтисин.

Абсамад жиянияг,  
У ҳам бир жигаринг.  
Дўстлигин дўстлик-ла  
Ўтамоқ тилагим.

Кўнглимининг хушилиги —  
Кўнгилга дўстлиги.  
Борардим, бўлмади  
Кўлимвинг бўшлиги.

Сарғайди юзимиз,  
Тўрт бўлди кўзимиа.

---

<sup>1</sup> Сўқир — фолбив маъносида.

Соғайиб кет тәзроқ,  
Согиидик ўзимиз.

Хатимни олингиз,  
Кўнглимини билингиз.  
Куч-қувват бор бўлса,  
Кечикмай келингиз.

Бу — ўсган элингиз,  
Туғишган ерингиз.  
Зор қилмай мени кўп,  
Кечикмай келингиз.

Ваҳмда дил нуқул,  
Худодаи умид шул.  
Бир яйраб келсангиз,  
Умрингиз бўлгай гул.

1894.



Талай сүз бундан бурун күп айтганман,  
Тегин ўйлаб, күп қайғу еб айтганман.  
Ақллилар орланиб уялган-чун,  
Үйланниб, тузаларми деб айтганман.

Қозоқнинг бошқа юртдан сўзи узун.  
Бирининг бири тездан уқмас сўзин.  
Кўзнинг ёши, юракнинг қони билан  
Эритишига бўзмайдп ички музин.

Дўстим-ай, ҳаволанимай сўзга тушун,  
Ўйланчи сиртии қўйиб, сўзнишг ичин,  
Иржапгламай тингласанг пимаиг кетар,  
Чиқарган сўз эмас-ку жишни учун.

Адашиб алаинглама йўл тополмай,  
Берироқ тўғри йўлга чиқ қамалмай.  
Ё илм йўқ ёинки меҳнат ҳам йўқ,  
Энг бўлмаса кетдинг-ку мол боқолмай.

1895.



Оч киши юнаарми түймагунча,  
Түк киши то ёрилиб ўлмагунча?  
«Бир түйсанг — чала бойлик» дегаң қозоқ.  
Эт топса — қўймас ҳолдан тоймагунча...

Меҳнатсиа, ҳаракатсиз, шўрлик қозоқ!  
Овқат излаб тентирар, ўта қашшоқ.  
Гўшту қимиз сингари ош бўлмас, дер —  
Йўқчилик гирдобида гаранг шундоқ!

Бўлсайди қимиз текин, ҳам тўшт арзои,  
Ундан ҳам ширин овқат қиласар армон...  
Кунда тўйиб емоққа ўз пули йўқ,  
Тилаячилик, қулчилик җандай ёмон!

Холи йўқ ўз уйида ўт ёкишга.  
Тентирар қарамайин қора қишга;  
Бир суюгу, бир оёқ қимиз берган —  
Дарров юмпай қолади бир юмушга.

Не илож, ётга ёллаи, мол тошиб кел...  
Молниг бўлса, сийламай туролмас эл...  
Ешилик ўтган бехуда па бемеҳнат,  
Ешилигинг ўтган изисиз мисоли ел!

Ҳунари бор — ҳеч кимга қарам бўлмас!  
Эринчак ҳеч қачоп одам бўлмас!  
Этак думини юсанг ҳам, ҳалол меҳнат,  
Ҳалол меҳнат — ҳеч қайда гупоҳ эмас!

Үгри бўлиб, яхши тўи киёлмассан,  
Бир ўргансанг нафсингни тиёлмассан;  
Давлат кетар, ор билан иомус кетар,  
Аммо, чивинт жонингни қиёлмассан.

Баъзига қувлик билан давлат битар,  
Баъзилар то ўлгупча тилаб ўтар.  
Меңнат қилмай тоғанинг — давлат эмас,  
Қоғ сувидай бир зумда оқиб кетар.

Касам урган қувлардан шари юргин!  
Ти шбо оқмас сувлардан шари юргин!  
Бу юртда тилаинчи кўи, эринчак мўл,  
Меңнат севмас... Улардан шари юргин!

1895



Ешлик ўтди, билдингми?  
Йигитликка келдингми?  
Йигитлик ўтди, күрдингми?  
Кексаликка күндингми?

Ким билади, шум така,  
Не гуноҳлар қилгансан.  
Не қилмишлар билгансан,  
Қай күчага киргансан.  
Не йўллардан юргансан.

Ким билади, шум така,  
Тугал бадбаҳт бўларсан,  
Қўрада ўлган туюдай,  
Сеп ҳам ҳаром ўларсан.

1895.



Күланка үнүт узайтиб,  
Олисни күздан яширеа,  
Вақт офтобни қизартиб,  
Уфқлардан оширеа,

Күнглим маъюс сирлашар  
Боқканча ўша ёқقا,  
Не билан шивирлашар  
Қараб йироқ-йирокқа?

Үтган умр — қув сўқмоқ,  
Кидиради талайнин.  
Ким алдади, ким тўқмоқ  
Солди — шуни санайди.

Нени топсанг, шуни топ,  
Ярамас бир керакка. 4  
Нуқул оғу йиғишиб,  
Сепар шўрли юракка.

Адашган кучук мисол  
Улиб, юртга қайтган ўй,  
Ўкиниш бўлди толе,  
Аввора бўлма уни қўй!

1895.



Табиат ўлар, балки инсон ўлмас,  
Гарчи у қайтиб келмас, ўйнаб кулмас.  
Менинг-ла табиатим айришганин  
«Ўлди» денти бир нодон, ўзин билмас.

Кўп одам бу дунёдан ситам кўрган,  
Ситам кўргап, рўшиноликни кам кўрган.  
Ўлим — нима, ўйлашг-чи, ўлмас сўзлар  
Қолдирганинг ўлганин ким ҳам кўрган?!

Тирикчилик ташвишин ўйлаган кас,  
Боқий дунё маъносип атглаб стмас.  
Менинг қайда эканим билолмайди  
Теран ўйпинг тизгинин кимки тутмас.

Дунёга — дўст, охиратга дўст бўлмас,  
Иккови ҳам бир дилдан ўрин олмас.  
Дунёга ўч, маҳшарга бегонанинг  
Имонин бут дейишга оғозим бормас.

1895.

Молта дўстнинг дўсти йўқ молдан бошқа,  
Оларида чор йўқ алдамасга.  
Қаерда пулни кўрса топинади,  
Одамлар латннат ўқир уйдай пастга.

Мол ёяди шуҳратин билдиromoққа,  
Кўз-кўз қилар мол билан куйдиromoққа.  
Ўзи чўчқа, ўзгани ит деб ўйлар.  
Сув шўрва, суюк билан суйдирмақка.

Ақлли, хунифеълаи на орли деб,  
Мақтамайди ҳеч кимни бу кунда кўп.  
Шу кунда мол қаерда гўиг шчида,  
Олтии берсанг, беради гўнгидаи еб.

Шуни ўқиб ўйлай бер бўлсанг зийрак.  
Кучингни сот, ор сотиб нега керак?  
Уч нарса одамзоднинг хосияти,  
Зўр ғайрат, ёрқин ақл, илиқ юрак.

1896.



Түкқан ота-она йўқ,  
Түкқизарлик бола йўқ.  
Қизигига таинггу-тўш,  
Тепишиб ўсган ола йўқ.

Тўлишай деса чора йўқ,  
Жонига бир ора йўқ.  
Үйқуда, опда ҳаловат,  
Соч-соқолда қора йўқ.

Қадрига етар ёра йўқ,  
Пандида озора йўқ.  
Ет кўрани пойлаган  
Чолда ақл зора йўқ.

1896.



Гоҳ бетоқат кутасан  
Дијдан гашлик аришин,  
Бошинг узра тутасан  
Тиниқ илҳом парисин.  
Қонинг ўйнаб туради,  
Чашма суви тошгандай,  
Талпинади юрагинг  
Нур қўйнига шошгандай.  
Еруғ дунё чароғидан  
Қўнғил кўайн очдаи.  
Кучли ўйлар булоғидан  
Сўз ирмоғи тошади.  
Шунда шоир бел боғлаб,  
Кўа ташлаб келажакка,  
Дунё поклигин чоғлаб,  
Далда берар юракка.  
У сезади оламнинг  
Аламини, дардини,  
Эшитади одамнинг  
Фарёдини, арзини.  
У жар солиб тўлганар,  
У ишонар ақлга.  
Адолат руҳи уйғонар,  
Янграр узоқ-яқинга!  
Ўтли юрак, аччиқ тил,  
Сиёҳи худди оғу.  
Нима қилсанг шуни қил,  
Шоирнинг бўлгани шу.

1896.

Бир гүзәл қызы бүлбиди хон қүлида,  
Хон ҳам жонин қияркан қызы йүлида;  
Олтин — кумуш кийгани шохпашак.  
Күтүвчи қызы — келинлар бор сүйгіда.

Деган сүз бор «уй-уйга, тақа туяға»,  
Хон ғарқ бүлиб юришти овоз дүнга.  
Қүйнімши, чол сийпаган, қарт есени деб,  
Жар тошдан қызы құлабди терен сувга.

Шон — салтанат юнатмас ёғ юракни,  
Ким ҳам бүлсии, ўз тенгин тиламасми?  
Вақти ўтғаш давронни қувалаган,  
На қылсий бир қаригаш қув сүякни?!

Қары — ёш давроши ўзға, тотув әмас,  
Әпға күнап, ёш юрак сотув әмас.  
Кімдә-ким катта бүлса икки мучал.  
Мол беріб олған билап хотин әмас.

Күп бойлар ёш хотинни тутар экан.  
Еш қайғусин билдирмай ютар экан.  
Орасида буларниң мұхаббат йүқ,  
Тұшаб қүйіб қочирада буқамиқсан?

Бой қариса молига берар чијивир,  
Мол умрни янгиртмас, худо ургир.  
Бирөвнине қиаин молга сотиб олиб,  
Илгаргини иалаган қандай қурғир.

«Хотиним қандай?» демас оңсоқол бой,  
Еш билан дүст бўлибди ёнирим-ої!  
Кув хотининг майишса шод бўласан,  
Шайтонга тогирд қилиб қўйишгандай.

Қари бой! Қаттиқ соқ бўл, тилга кўнсанг,  
Муйиз чиқар хотиннинг тилига кирсанг.  
Ҳеч ўқмассан ўзингга — ўзинг маз бўб,  
Дастурхон ҳам хотинни, маҳтан кўрсанг.

Гуноҳсиз хотин билан бўлар ароз,  
Ёшнинг кўнгли эrimас, у ўзи ноз,  
Биттаси қизил гулу, бри қуврай,  
Бир ерга қўшилурми қиши билан ба!

Доим бўлмас қуйруқни буланглатган,  
Сочидаи силаб-сийпаб суюб ётган.  
Икки кунгил ораси йилчилик ер,  
Уни қандай қўшади у опт урган.

1896.



Күк ола булут буқилиб,  
Шар-шар ёғар қай чоқда.  
Бўю бастинг эгилиб,  
Ёш думалар овлоқда.  
Ёғган кунда кўкариб,  
Ер кўпчиб кучга қонар.  
Оққан ёшга ёэғириб,  
Боп лўқиллар, ич ёнар.

1896,

# *хотини билан масақбой*

## *Хотини:*

Түшак қип остига  
 Бойининг тўқимин,  
 Ўзоқнинг бошига  
 Ўтиининг қўқимин  
 Букчайиб,  
 Биқситиб,  
 Кўқситиб келтирди.  
 Шуларнииг бари — мени,  
 Кўнглинииг нури йўқ.  
 Юзининг иори — мени,  
 Бахти йўқ, умри йўқ.  
 Букчайиб,  
 Шумшайиб,  
 Фўдайиб ўлтирди.

## *Эри:*

Кулги бўш юрганда  
 Неларга қодирсиз.  
 Ош қилиб берганча  
 Чидамас сабрсиз.  
 Қелиб қолди,  
 Даҳшат солди.  
 Аёвсиз дўқлади.

Сўзининг жони йўқ,  
 Ақлсиз қуп-қуруқ —

Хотининг куни йўқ,  
Ҳамчидир йўл-йўриқ.  
Варқиллаб,  
Шарқиллаб,  
Ҳалиллаб тўхтади.

NATLIB.UZ



Кўк тумандир олдиндаги замон узи,  
Умид билан чироқ тутган сабру тўзим.  
Кўп йиллар кўп кунни ҳайдаб келаётир,  
Сурати йўқ, сийрати йўқ, толган кўзим.

У кунлар ҳам ўтган кундай хору хасдир,  
Келар, кетар, ортида из қолдирмасдир,  
Шунинг бири — меникидир, товушим ўчар,  
Кейингисин олло билган бўлса басдир.

Ақл ва жоп — мен ўзимдир, тан — меники,  
«Мени» билан «меникимнг» фарқи — икки.  
«Мен» ўлмакка тақдир деган нарсаси йўқ,  
«Меники» гар ўлса ўлсин, унга бекин!

Чироғларим, интилардинг «меники»га,  
Энди жиссими тополмайсан куну тувда.  
Инсоф, яномус, севги ила иўлдошингни  
Эслаб кўйгил бир қабрдан ўтанингда.

Сот фойдага, молга ҳамма қилигингиш,  
Ийлаб шишит ўй билан ҳўл-қурутингни.  
Шунда умр деган алдаб қўймас сени,  
Йўқса секин ўғирлайди қизигингни.

Гофил одам бор дунёни дер меники,  
Меники деб юргайларни топ унники.  
Молу ҳол ҳам, тан ҳам қолиб, жоп чиққанда,  
Сепга ахир нима қолар, исе сепики?

Ээлганаңа жонниг ачиб, ичинг күйсип,  
Харакат қил, күичилүкка фойданг уйсип.  
Аввалбошдан тангри күпнинг ғамың еган,  
Мен сүйганий сүйипти деб эганг сүйсип.

Күпни күрсанг күп демагил, ўрни бўлақ,  
Кўп ит енгиб, кўк ит бўлар ёлғиз ҳалак.  
Кўп озиғи — адолатдир, марҳаматдир,  
Қайда кўрсанг, тириш кўпга эш бўлгундак.

Ўз корига яратар эл керагини,  
Билолмадим айёрини, зийрагини.  
Оғзингдаги ошни олган қайдан билар  
Ҳақиқату дин деганинг туб-тагини.

1896.



Кимдир сени кўпик сочиб жўп мақтайди,  
Ишонмагин, юрагида кек сақлайди.  
Меҳнатингга ва ақлингга ишон, шулар  
Икки ёндан суюб сени, қулатмайди.

Изза бўлма, лакқа тушиб хушомадга,  
Кибр-ҳаво билан қолма маломатга.  
Эл ичиди бошгинангни эгиб қолсанг;  
Прашармиш бу басавлат хуш қомадга.

Қайғу келса, кўксигни тут, бош эгмагил,  
Кўзга кулгу нури қўнса — ёши демагил,  
Юратингнинг тубига боқ, тўрига боқ,  
Унда асл жавоҳир бор, тош демагил.

1897.



Тапу жонга тарқалар —  
Яхши оңанг, шириң күй.  
Дилга хил-хил ўйлар солар,  
Оңанг сүйсанг, мендай сүй!

Оlam эсдан чиқади,  
Унутаман ўзимни.  
Күнглим маъни уқади,  
Деёлмайман сўзимни.

Чўлда ташна сув топса,  
Ичар узала тушиб.  
Билмайди, то қонгуича,  
Ўтсалар ҳам туртишиб.

Яхши оңанг — куйдирап,  
Ўтганиларни тиргизар.  
Умр тўвин кийдирап,  
Йўқни бордек юргизар.

Эски шивир қадим ҳол —  
Эшитилгандай бўлади.  
Ҳарён учади хаёл,  
Менинг кўнглим тўлади.

Ўтмиш оғусин ичиб,  
Бўламан тагни гаралг.

Елғоплар чия күрініп...  
Оқаңғ жүчига қараңг!  
Тағиң чалғита боплар —  
Хар мұттақам ва ұар құв.  
Оламда меп ичмаган —  
Айтыңғ қоңызмін оғу?

1597.



Мен нома ёзаман,  
Қарогим, қайтарма.  
Қайгунгдан түзаман,  
Боргувчи айтарми?

Күп бүйи кутаман,  
Келар деб хабаринг.  
Оҳ урмай шетаман,  
Бизга йўқ назаринг.

Кўнгилга юланиш  
Сен эдинг, бозорим.  
Сенсиз йўқ қувониш,  
Сенсиз кўп озорим...

1897.



Елсиз тунда ёруғ ой  
Нури сувда дириллар.  
Овул олди теран сой,  
Дарә каби гуриллар.

Қалин дарахт барглари  
Шивирлашар, ғоз қотар.  
Майсазордир таглари,  
Күм-күк товланиб етар.

Яңгарә эди тоғу тощ,  
Куйлаб келган чөндиа.  
Йүлимга чиқар әдинг,  
Күришардик овлогда.

Қалби гүп-гүп уарди.  
Сонуқ тер босарди гоҳ.  
Хориб шунда туради,  
Чүчиб тушарди ногоҳ.

Сўз айттолмас, тили лол,  
Нотинч эди юраги.  
Суяниб туар беҳол,  
Томоққа ботиб ияги.  
*1898.*



Қуввати ўтдай бурқираб,  
Маржон-маржон тазилган  
Емгирли ёздай сирқираб,  
Күк булутдаи узилган.

Эсни ҳайрон қылар сўз —  
Нодошларга қадриса.

Таваккал деб ботир ўй  
Тилни қиличдай қайраб,  
Ишлатиб минг ҳийла, йўй,  
Чопиниди яйраб-ляйраб.

Ўйғонмас юрт, димгина,  
Уялмай қол жимгина!

Ўйлаб-ўйлаб тонган сўа  
Ичда қолдирмас кирни,  
Кўнгил тилаб чопган сўз  
Қўзғатар бор томирни.

Дил оразиқиб ёд олар,  
Тагида-чи қўр қолар.

1898.



Шум дунё тўнаб ётиришинг борми,  
Бояги куч, бояги тусинг борми.  
Олди умид, орти ўқинч, алдамчи умр,  
Қарс уриб ерга тиқмас кипинг борми?

Таъми кетиб бузилмас тотинг борми?  
Беш кунлик-бу омонатга бирор зорми?  
Яқинни ёт, тотувни хун килар экан,  
Қув умрпинг қизигига эл ҳуморми?

Үйламай очилган оғизнинг айтма сўзин,  
Тил балоси ёмондир, булғар ўзин.  
Тилда сунқ, лабда эса жияқ борми?  
Чимилдиқдай кўрсатмайди чиннинг юзин.

1898.

◎ ◎ ◎

... Номим одам бўлган сўнг,  
Қандай нодон бўлайин?  
Халқим нодон бўлган сўнг,  
Қаён бориб ўнгайин?

1898.



Мен кўрдим, узун қайин қулаганин,  
Қора ерга бош қўйиб сулаганин.  
Япроги саргайиб ва ўлимсираб,  
Бойқушнипг ким тинглайди йиглаганин.

Мен кўрдим, ўйнаб юрган кизил кийик  
Гавдасига милиқнинг ўқи тийиб,  
Толиқиб, қопсираган қовоқ туйиб,  
Кимга ботар у бойқуш торган куйик.

Мен кўрдим синиқ қанот капалакни,  
У ҳам билар умрни изламакни;  
Кун чиққанда псинар қалт-қулт этиб,  
Ундан ибрат олар жон бир бўлакни.

Мен кўрдим ошиқ ёрдан ваъдасизлик,  
Умрнипг кизифидан умид уэдик.  
Иссиқ юрак совуди, яра тушди,  
Чиқмаган чибин жонли кун ўтказдик.

Дунёнипг билдик охир оқибатиш,  
Еб юрган кўп, бирининг бири этин,  
Үйли одамга қизиқ йўқ бу дунёда,  
Кўпининг сирти бутун, ичи тутун.

1898.



Кун ортидан кун туғар,  
Бир кун бекор ўтқазмас.  
Ўй ортидан ўй қувар,  
Елга миссанғ етқазмас.

1898.

NATLIB.UZ



Хаста юрак тепади аста-секин,  
Чарчаб қолган гавдамда жүш уролмай,  
Гоҳо уни иссик қон босиб кетар,  
Қийпалар узун түндә дам ололмай,

Хаёл күкпі қоронгу, қағиғеу енгган,  
Эркалик ва дүстликни оғриқ күрар.  
Ақли йүқ, ори йүқ ҳовлиққанни  
Күнде күриб, улардан юз үтирад.

Эслаб ўтган күнларип расо құмсар,  
Бу күнни күн демас қарғаб сўкар.  
Гоҳо тилаб баҳт билан япа тиичлиқ,  
Гоҳо қайғу ғазабии япа истар.

Гоҳо йигламоқ истар айтиб зорип,  
Шундай күнда туғилғап дардинш барип.  
Гоҳо уни яширад элу-юртдан,  
Мазақлаб кеткизар, деб кипи орип.

Хаста юрак тепади аста-секин  
Ұз дардини ятириб ҳеч билди्रмай.  
Гоҳо босар иссик қон уни сокин  
Гоҳо бир дам жим қолар уп чиқармай.

1898.



Юрагим менинг қирқ ямок,  
Хиёнаткор оламдан.

Қандай қилиб бўлсин соғ,  
Кўнгил қолган ҳаммадан.

Гоҳо ўлди, гоҳ бўлди ёв  
Кимни сенса бу юрак!  
Барн душман, ё йўлга тон,  
Суянишга йўқ тиргак.

Етиб келди қарилук ҳам,  
Уни түсар күч қайда?!  
Дүст бўлмас қалби бегам,  
Ундан бизга йўқ фойда.

Эй, юраги дардли одам,  
Қалбимдан сен хабар ол:  
Үпда не бор,  
кандай дард, ғам  
Тилга кирар,  
қулоқ сол.

1899.

Нурли осмонга интилиб ўсгансан сен,  
 Гурурланиб қайғулардан безгансан сен.  
 Худди шундай баҳор чоги майсаларнинг  
 Іккёш сари рағбатини сезгансан сен.

Шундан бери кўп раҳмсиз йиллар утди,  
 Ўроқ они, йиғим-терим они өтди.  
 Иссиғини, совуғини — барин кўриб  
 Мулглиг кўнгил қайишмасдан гайрат отди.

Оғир ўйлар азобида қийналиб жон,  
 Қайгу, ҳасрат чеҳраингга из солмиш аён.  
 Дони тўлиқ бошоқлардай, у ўйлар ҳам  
 Селинг бошинг эгмак истар ерга томон.

Тирик жон-ку ўлмакликка рози бўлмас,  
 Гўёки у бир умрга яшар, ўлмас.  
 Ажал келиб човут солса, жонни олса,  
 Умр қайда, сен қайда,— бир ўйласанг, бас.

Одам зоти бугун одам, эрта — тупроқ,  
 Бу кун умр яшваб турар, алдоғ бироқ.  
 Эрта ўзинг қаордасан, билармисан,  
 Ўлмак учун туғилгансан, ўйла, чироқ.

1899.



Юрагим, нима сезасан,  
Сендан бопқа жон йүқми?  
Дунёни күнглим кезасан,  
Таянч йүқми қўй, тўхта!

Сезганингни сездириб,  
Етолмадинг ўртоққа.  
Тирик жондан бездириб,  
Оборасан қай ёқда.

Ўртоқлик, тинчлик, дўстлик-ку,  
Унинг қадрии ким билар?  
Ҳар кимга тилак қўшдик-ку —  
Бари алдамчи савдотар.

Дўстни қайдан топарсан,  
Кенгашинига одам йўқ.  
Нарн-бери чопарсан,  
Ёлгизликтан ёмон йўқ.

Ақл айтсанг бирояга,  
Ичинг эриб, ижиниб.  
Уялмас ҳақ тилашга,  
Расволпги билиниб.

Ҳақим бериб тинглатган  
Сўз кўнгилга кўнарми?

Күлөгиии сотған лир урган.  
Үнгдирарми, ўнгарми?

Күясап юрак, күясан,  
Күйганингдан не фойда.  
Дунёда пени суюсан,  
Умр кайла, дүст кайда?

1900.



Қүсінің вақт итариб,  
Күк уфқадап опирса,  
Күланка бошин күтариб,  
Узоқни күздан яширса,  
Шунда күнглім йүқлайды  
Жондан севган ошиғип.  
Күзи етиб түхтайды,  
Үтгас күннінг қочиғи.  
Күкка боқдым «Олло» деб,  
Синааб күрай, деб кучип.  
Раҳмати ушинг унда күп,  
Фойдаси йүқ биз учун.  
Нега сөвсін ул мени,  
Дилга уни олмадим.  
Күрдім ортиқ мен сени  
Раҳматидан оллонинг.

1900.



«Үяламан» дегани күнгил учун,  
Ушоққина умрдай мунгли учун.  
Тотувгина дўстлик ҳам, қасдлик ҳам йўқ,  
Жигари йўқ тортгали енгил учун.

Чалқанча тушиб ётар ичи пишиб,  
Қайси жонга ёқаркин бундай иши.  
Йигилитириб уятни, танин асраб,  
Эртаси йўқ, бугундир бор ташвиши.

Туғишгани, дўстлари икки-учдир,  
Шу сабабли дўстидан душман кучли.  
Суйса — ёлғон, суймаса — аямагац,  
Бу по деган замонга ишим тушди?!

Кап-катта-ю қилиғи болатовур,  
Болачадай эрмаги ғала-ғовур.  
Ота тийса болани, бу ҳам — дўстлик,  
Бола тийса, отага нечун оғир?

1901.



Барги сўлиб қолган эски умидман,  
Умр суриб хаёл-ла, бўш юрибман.  
Хаёлларим кўпглимни тинчитмайди,  
Ўтган кунлар ўйи билан қурнибман.

У даврон — умр эмас, бир кўрган туш,  
Ўйга ботма, хаёлда баланддан туш!  
Ўз умрингга қара-чи, тугалмикан,  
Қани ўтли юрак, чирой, қувнат-куч?

Саҳрода сароб каби юрт-аймогим,  
Чинга чидаб, ўнголмас иттиғоти,  
Кўппинг оғезин кузатсанг, кун кўрмайсан,  
Ўзинг кузат ўзиғни, кел, чирогим.

1901.



Юрак — денгиз, асл тошдир қалб олови,  
Шу оловсиз юрак бўлмас баҳт гарови.  
Юракда ўт, дард, ҳарорат бўлмас экан,  
У юракнинг на дўсти бор ва на ёви!

Юрак иши дўстлик ҳам, душманлик ҳам,  
Ор-помусга соқчи бўлар ақл ҳар дам,  
Ор, уятни менсимасни бизнинг элда  
Мартаба деб билар катта-кичик одам.

Ўт озаяр ҳар одамда қариган чоқ,  
Ўт камайса юрган йўлинг бўлар тайгоқ.  
Ҳар учраган ёрдам қўлини узатса ҳам,  
Йўлинг тайгоқ, оёқларинг титрар, маймоқ.

1902.



Жим-жим күнглим, жим күнглим,  
Сояламай сой топмай,  
Не кун тушди бошингга  
Куни, туни жой топмай?  
Шундай юрганинг билан  
Қиз ўларми бой<sup>1</sup> топмай?  
Тунда кезган маъқулми,  
Чор атрофга жовдирай?  
Үламан деб юрдингми,  
Бундан бошқа жон топмай!

Жим-жим күнглим, жим күнглим,  
Сабр таги сариқ олтин.  
Сабр қилсанг ҳолингни,  
Билармикан бегзодим?  
Күнгил овлаб сўза айтар.  
Орадаги тилхатим.  
Оқин сувдай тўлқиншаб,  
Ўтаётир ҳаётим.  
Қасал эмас, сог эмас,  
Қуриди ҳол, қувватим!..  
Жим-жим күнглим, жим күнглим,  
Ҳеч ўйланма, етади!  
Бу ўйлардан фойда йўқ,  
Умр матълум, ўтади.  
Ажал ҳам тез етади.

<sup>1</sup> Бой — эр маъносида.

Хүш, қыз олсия...  
Азоб күрмай роҳат йўқ,  
Ахир у ҳам кетади.  
Унинг билан ҳаётда  
Бор гўзаллик битарми?  
Ҳақни сотсанг ҳаромга,  
Тангри қабул этарми?  
«Қиз севади мени» деб  
Тайтантлашинг кетарми?  
Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
Ўйлаб-ўйлаб толарсан.  
Ҳаммасини билсанг ҳам,  
Ҳали инкор қиласан!  
Ўртанасан, ёпасан,  
Бекордан бекор азобга  
Ўз бошингни соласан.  
Қай вақтда тўйғаздиг  
Айиқ каби оғасин,  
Хотин билан тоғасин?  
Ҳеч зот юрмас ерларда  
Қарамай нега чопасан?  
Сенингта шу яхними,  
Ушлаб киши сабосин?  
Кийимишни йиртасан,  
Элга кулги бўласан.  
Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
Согишиб ҳеч саргайма!  
Тинч юрсанг ҳам қиз қувмай,  
Сени бирор қарғарми?  
Қиз изласанг кўнгил бер,  
Бу гап маъқул бўлмасми?  
Кўриб олсанг кўркамиш,  
Севиб олсанг севганин,  
Шунда кўнглинг тўлмасми?

○ ○ ○

Ярқ этмас, қаро күнглим не қилса ҳам,  
Осмонда ой билан кун чақилса ҳам.  
Дунёда сира сендей менга ёр йүқ,  
Сенга ёр мендан ортиқ топилса ҳам.

Шўрли ошиқ сарғайса ҳам, соғинса ҳам,  
Ёр айтиб, яхши сўздан янглишса ҳам,  
Чидайди ёр ишига рози бўлиб,  
Масхара ва хўрликда топинса ҳам.



Тулпордан чувир үзмас чопилса ҳам,  
Үңга ҳам үкки тумор тақилса ҳам  
Қоқитмай мени сиртдан юра олмайди,  
Қаерда ким еликиб, қоқинса ҳам.

Кучук, ит бари оларми ёпилса ҳам,  
Етарли бўлиб суяқ топилса ҳам.  
Орсиз одам дўқ уриб ҳарсиллайди,  
Ҳар ердаёқ устунга тақилса ҳам.



Тойга миндик,  
Түйга чопдик,  
Яхпи кийим кийиниб.  
Үкки тақдик,  
Кулиб боқдик,  
Йүқ нарсага суюниб.  
Қирғай учди,  
Құпни қучди,  
Не битди?

Отамиз бор,  
Домламиз бор,  
Айтганига күнмадик.  
Сүнг өфіда  
«Биз унга жүр  
Бұламиз» деб билмадик.  
Яшрин қочдик,  
Йұллар ошдик,  
Чувлашдик.

Езув ёадик,  
Хат танидик,  
Бўлдик оазод домладан:  
Чала ўқишдан  
Не наф кўрдик,  
Қолгандан сўнг хўп нодон.  
Баҳосиа ёшлиқ,  
Бўз болалик,  
Адапдик.

Бүз болалик  
Киз қарадик,  
Ҳазиллашдик, сўйлашдик.  
Пойга чопдик,  
Шон таратдик,  
Бақиришиб куйлашдик.

Кўнгилга келар,  
Ким ўллар,  
Ким кўнар!

Жойин топдик,  
Хотин олдик,  
Маҳри тегди озгина  
Турмуш қурдик,  
Энди ўйландик,  
Қолди ёшлик созгинам.

Ёшлик қайда?  
Вой-войла  
Не фойда?



Ұз айбимга күз солиб  
Үйга ботдим, тұлғондим.  
Ұз айбимни құлға олиб,  
Текширишга ўйландим.

Ұзимга үзим ёқмадим,  
Энди қайга сиголдим?  
Ұрганған бу күңгилни  
Қандай қилиб тиёлдим?

Гуноҳимни саласам,  
Тоғ тошидан оз әмас.  
Юрагимга күз солсам,  
Игна қадар тозамас.

Арчиб, олиб ташлашга  
Жүйкдати ўт әмас.  
Ҳаммаси ҳам үзимдан,  
Тангри берган «ёт» әмас.

Шунча ақмоқ бўлганман,  
Кўрингаига қизиқдим.  
Адолатлик юракнииг  
Одиллигин бузибман.

Ақл билан билимдан  
Жұда умид узибман.  
Хийла билан қувликни  
Марвариддай тизибман.

Ялмоғиңдай мен очкүа,  
Ор, номусдан безібман.  
Құвлик билән шүмлекка  
Тентак бўлиб учбман.

«Сиз биласиэ» деганга,  
Кунда күйиб-нишибман.  
Ҳар кимсага мақтаниб,  
Айтибман: мен «нишиқман».

# маъсуд

(Поэма)

Е олло ҳурматингга дўстинг Маҳмуд,  
Тилга куч бер, билинсин тўғри мақсуд.  
Хорун — Рашид ҳалифа замонида  
Боғдодда йигит борди оти Маъсуд.

Шаҳардан бир кун Маъсуд чиқди тишга,  
Бордими тўғри келиб бирор ишга.  
Бир ўғри уплаб, тўнаб ётган ерда  
Гез бўлди бир бечора чол бойқипга.

Чол бойқип бақиради фарёд солиб,  
Айриб олар одам йўқ уни бориб.  
«Ким ҳам бўлса бир эрлик қиласайп» деб  
Маъсуд учди ўғрига ғазабланиб.

Маъсудни ўгри чопди қилич билан,  
Яхшиёқ жон сақлади бир иш билан,  
Эсон-омон у чол ҳам қутилибди,  
Маъсуддан ёв қочганда уриш билан.

Маъсудга келди у чол кўзини тиклаб.  
Кўрса бошдаи қон оқади, мард энтикиб,  
Чол ўйлапти қарзимни мен ўтайин,  
Йигит экан баҳодир, довюрак деб,

Эй, йигит, не қиласанг ҳам эр экансан.  
Кўргайсан эрлигингнинг баракасин.  
Ажалдан, сабаб бўлиб, сен қутқардинг  
Шу учун олло сенга умр берсин.

Бой эмасман, ботир ё хон эмасман,  
Отоқли, ортиқ бўлған жон эмасман.  
Сабаб бўлиб ажалдан қутқардинг сен,  
Яхшиликни мен билмас, чол эмасман.

Мен бир жонман дунёда, жаҳон кеэган,  
Азон билан кетаман шаҳринги здан.  
Эртароқ фалон өрга келиб туриб,  
Олиб қол бир мукофот ўрлим биздан.

Пул учун қизиқмассан сен ҳам бир эр,  
Сени менга учратди парвардигор.  
Бир худонинг ҳаққи учун мен тилайман,  
Қабул қил шартим учун қўлингни бер.

Ўғрига юбормадим мени номусни,  
Ким пуллар бундай-бундай қилган ишни  
Олло ҳақи деган ҳеч амал ҳам йўқ,  
«Борайин» деб ваъда этиб қўл олишди.

У өрга йигит туриб эрта борди,  
Олдидан чол тез пайдо бўлақолди.  
Қўлидан ушлаб олиб эргаштириб,  
Бир четда турган уйга олиб борди.

У уйда бир гул турар сўлқиллаган,  
Бошида уч мева бор билқиллаган,  
Бири оқ, бири қизил, бири сариқ.  
Ташлаб шуидан бурини олгин, деган.

Оқин олсанг ақлинг жондан ошар,  
Сариғин олсанг давлатинг сувдай тошар.  
Агар қизил мевани олиб есанг,  
Хотпи-қиада жон бўлмас сендан қочар.

У ўигит чол сўангага қулоқ солди,  
Кўзиини пастга тикиб оз ўйланди.  
Оқи билан саригин олмайман деб,  
«Кизил мева ейман» — деб қўлга олди.

Мен берамаң, тоғтайман айта туриб,  
Пуштаймон бўлмай кейин юриб-юриб,  
Оқ билан саригини олмаганинг,  
Маъносини менга айт яқин кўриб.

Мен бўлсам агар оқин емоқ дедим,  
Ақлли бўлдим элдан бўлак дедим.  
Мен ақлни эмас, у балки мени,  
Йўлга солса, ўргатса керақ дедим.

Ақллик жон тоғилмас менга сирдош,  
Айниқса сўзага нодон бўйин бермас.  
Адолатсиз, ақлсиз, орсизларни,  
Кўра туриб кўнгилда тицчлик турмас.

Одам дардли бўлмасми ғусса тортиб,  
Ширин уйқу келмайди тунда ётиб,  
Юрагимнинг дардига эм тополмай,  
Ширин опи ичомайман дамин тотиб.

Саригшіл еб, мен бўлсам бойшиш ўзи,  
Оғзида ҳалойиқининг бўлдим сўзи.  
Палоичидан бир нарса олсаакчи деб,  
Тикилар жон битканнинг менга кўзи.

Юрт қарғар юртдан ортиқ бойлик учун.  
Пуллайди бирор тусин, бирор ичин.  
Не қилса ҳам нодонлар олмоқ истар,  
Моли қурғир куйдириб юртнинг ичин.

Меңпатсиз мол сўрамоқ хайрчилик,  
Ақлли әрга ордир ундаң қилиқ.  
Уни ўйлар бу кунда одам борми?  
Фойда ўйламай қилади ким тотувлик.

Берсанг қолар шимаси унда орнинг,  
Бермасанг ўзинг ҳам ит бирга бўлдинг.  
На ўзинг ит, бўлмаса бор элинг ит,  
Даъвосиз бир балога миниб қолдишг.

Қизилни есам мени аёл суюр,  
Одамликка юрмаса не жон қуяр.  
Аёллар ҳам кўн жон-ку, дўстим бўлса,  
Деб әдим бир фойдаси менга тияр.

Эркакининг гар эркакда бўлса қасди,  
Хотин — она, қилин йўқ кимнинг боши,  
Кон қаҳр қора кини қасдлик қиласа,  
Шунда аёл бўлмасми ҳимоячи.

Аёлда одам боши сор бўларми?  
Үйнда текширилмас дов бўларми?  
Эри аччиқ айтса, хотин юмшоқ айтиб,  
Ўтирса бурунгидай ёв бўларми?

Шуни ўйлаб қизил мева мен танладим,  
Берсангиз емоқ бўлиб бел бойладим.  
Тўсатдан мен бу сўзни айтганим йўқ,  
Бошидаёқ ўйлаб тегин авайладим.

Бу сўзга солиб турди чол қулогин,  
Бўлмаса тошиб айтдинг, ё чироғим,  
Ақл, давлат, аввалдан сенда экан,  
Умрингдай узун бўлсин бахтинг, жоним.

Бу чол бўлак чол эмас Хизир эди,  
Эпин топиб йигитга тўғри келди.  
Сўзига ва ақлига, қилиғига,  
Рози бўлиб ҳақига дуо қилди.

Хизирдан Маъсуд дуо хўп олипти.  
Сўнгидан шаъми — жаҳон аталипти,  
Маъниоси бу дунёнинг куни деган  
Етишиб бизга ибрат сўз қолипти.

1887.

# *искандар*

(Поэма)

Искандарни ҳамма ҳам билармикин?  
 Македония шаҳридир унга макон.  
 Филипп пошшо фарзанди, дов юракли,  
 Мақтанчогу қизғанчиқ одам ақан.  
 Епин ҳам йигирма бир, расо бўлди,  
 Филипп ўлди, ўрнига пошшо бўлди.  
 Ўз давлати, ўз юрти кам кўриниб,  
 Кўпини эллар бошига бало бўлди.

Искандар қўпини йигиб, йўлга тушди.  
 Қанча мулк, қанча давлат қўлга тушди:  
 Дарё-дарё оқди қои, ёнди борлар.  
 Искандариниг босқини мўлга тушди.  
 Тиз чўқди талай хонлар қархисида,  
 Тиз чўқди не султонлар қархисида.  
 Асир тушиб, қул бўлди саноқсиз эл,  
 Тиз чўқди не инсонлар қархисида...

Шаҳашшоҳ, деб шуҳрати гап-сўз бўлди...  
 Давлати ошган сайин — очкўз бўлди.  
 Қўйни тўлди, кўзи ҳеч тўйгани йўқ,  
 Ер юзин олмадим, деб дилсўз бўлди.  
 У, яна қўшини йигиб йўлга тушди,  
 Яна давлат, иқлимлар қўлга тунди,  
 Ҳеч қайда тополмади қўним, ором,  
 Дарё кечди, йўли бир чўлга тушди...

Олис чўлга дуч келди у ногиҳон,  
 Қакраған ҳам яланғоч қум ҳар томоң,

Қанча тежаб ичса ҳам ўтмадп сув,  
Чўл танида қоярилар мол ва нисон,  
Бир қатра сув дардида қўшин сарсон,  
Бедармон, чала жинни ва чала жон.  
Қаичалар қоллб кетди бу саҳрова,  
Лашкарига солмоқчи ўзи қирон...

Жаҳонгирнинг оти ҳам қулаб ўлди,  
От ёлини қучиб, кўигли гамга тўлди.  
Ўриидан туриб қолса, олисларда —  
Бир шуъла барқ урмоқда... Ҳайрон бўлди.  
Шаҳанишоҳ шуъла томон тўғри юрди,  
Саҳрониш қоқ белида нима кўрди?  
Тасмадайин, мўлдир булоқ жилдириди,  
Искандар ширин сувга ўзин урди.

Тоза қопиб дер эди: «Не ҳикмат бу?  
Чўл аро қандай ширин ва салқин сув...  
Сув бошида бадавлат эл бор ўхшар,  
Ҳаммашг ичиб, дармон йиғ ва юзиг юв!  
Дармон йиғиб, сув бўйлаб кетишум бор.  
Сув бошида қалъага — этишим бор.  
Бош эгмаса — қиличим бошидадир.  
Шаҳрин ҳам тош талқон этишим бор».

Жар солиб, сув ёқалаб юриб кетди,  
Пўлда қўимай, кўн кун от суриб кетди  
Қўнини совут кийган, ўшкай ботир,  
Пўл-йўлакай базмини қуриб кетди.  
Қарасаки, ажойиб қалъа турар,  
Искандар от бошини дарҳол бурар.  
Тутқасин тортар олтии дарвозанинг,  
Очолмай, қаҳри қистаб, ҳар ён юрар.  
Ҳеч качон бундай хўрлик кўрмаганди,

Хеч дарвоза олдида турмаганди!  
Голиб бўлиб ўргангап асов кўнгил —  
Хўрланарман деб, хаёл сурмаганди.

Каҳри қистаб, қоқишга тушди ногоҳ:  
— Дарвозапгни оч! — деди Искандар шоҳ.  
— Ижозат йўқ, бу — тангри эшигидир! —  
Қоровулнинг жавоби солди садо...  
— Билмайсанми, Искандар деган менман,  
Ер юзини урушда енгган менман.  
Дарвозантгни оч, кимсан, билдири менга!  
Энг сўнгги қалъя учун келган менман!

— Мактапитга ҳожат йўқ, зўравонсан,  
Ҳам зўравон, ҳам очкӯз, тўймас жонсан...  
Миқти бўлсанг — нафсингга кучинг етсип,  
Бу дарвоза очилмас, бил, аён сан!

— Кўп кеэдим, тўғри келди ранг-бараңг ер,  
Қалъаларга чанг солдим мисоли шер:  
Қалъангни-ку очмайсан, ҳеч бўлмаса,  
Халқимга кўрсатайин, бир спийлов бер!

Шу замон келиб тушди тугун рўмол:  
Овоз келди: «Жаҳонгир! Сийловни ол! —  
Сен сўраган сийловнинг худди ўзи,  
Ўйлаб кўр, ақл бергуси, кўзингни сол!»  
Кўнгли тўлиб, тугунни қўлга олди:  
Тўхтамай қўшин томон чопиб қолди.  
Очсанки, рўмол тўла бир қоқ суюк...  
«Бу қандай масхара?» деб ақли толди.

Аччиғланиб, тутоқиб кетди бирдан,  
Хеч маъни ололмади ушбу сирдан.  
Наъра чекди: «Менга шу раномиди,—

Суяк деган топилар ҳамма ердан!»  
Ҳам тугунии иргитди бетоқат қўл...  
Арасту яқиң келди — ақли зап мўл:  
— «Шоҳо,— деди,— бу тортиқ бөжиз эмас,  
Хосиятлик суяк бу — хабардор бўл!»

Арасту сўзлар экан тингламас ким?  
Искандар ҳам ноилож ўтирди жим.  
— «Кўрайлик, суякми ё олтин оғир,  
Тарозуни келтири!» — деди ҳаким.  
Тарозуни шу замон келтиридилар:  
Бир ёнига кумуш, зар тўлдирдилар:  
Бир ёнда суяк оғир босиб турди:  
Ҳаммаси ҳайрон қолиб ўлтирилар.

Йигилди қўшинда бор олтин буткул,  
Босарди суяк ётган палла нуқул.  
«Хазинам етмади-ку! Суяк оғир...  
Чорасини топ!» деди энг кейин ул.  
Ҳаким олди ердан бир сиқим тупроқ  
Ва суякнинг устига сочди шу чоқ.  
Бир дамда олтин оғир босиб тушди:  
Искандар яна ҳайрон, хаёл тарқоқ.

Шаҳаншоҳнинг бағрини тириар оғу,  
Чидалмайин ҳакимни чақирди у:  
«Ҳайратдаман, ақл етмас, қотди бошим,  
Маъносини айтиб бер, ай Арасту!»  
— Кўз суяги — бу суяк! — деб бошлар сўз,—  
Тирикликда ҳеч қачон тўймайди кўз,  
Бир сиқим тупроқка ҳам тўяр — ўлса,  
Ғазабланма, шаҳаншоҳ, бўлма дилсўз!

Үйлаб-үйлаб подшоҳ бошин буқди,  
Күзлари косасига ботиб — чўкди.  
Йўл солди ўз юртига қўшин ила,  
Ўлгунича ўанини-ўзи сўкди.  
Сўз тамом, адоқ бўлди ҳангома ҳам,  
Беҳуда гап ўйлама, бўлма бегам.  
Ору номус сотма умр бозорида—  
Очкўз бўлма, одаммас очкўз одам!

Мақтанишнинг хайри йўқ, яхши билгин,  
Донолардан ўрганиб, амал қилгин.  
Ўз баҳонгни ўзингдан ким сўрайди.  
Яхши бўлсанг — ёруғлик сочиб келгин!

1901.

## АЗЫМ ҚИССАСИ

(«Миңг бир кечә» зертакларидан)

«Миңг бир кечә»дан ўқиб мазмунини,  
Ұлақ қилиб құйламоқчи бўлдим уни;  
Бағдодда Мустафою Сафо деган —  
Ўтган экан икки йигит оға-ини.

Отасин олиб кетиб ўлим бевақт,  
Иккаласи меңнат қилиб, излапти баҳт.  
Кенжә йигит тикувчи хўп чевар экан,  
Мустафоси рассом экан, етуқ хушхат.

Булар икки элга қилмоқ бўлган сафар,  
Бироқ улар кўрмаганди ўзга шаҳар.  
Ким мол топса, унисин излаб топар,  
Ваъдалашиб, йўлга тушған бир тонг саҳар.

Улар ботир экан, на хавф-хатар билган,  
Айрилмоқни чиндан тақдир насиб қилгани.  
Сафо Чинмочинга<sup>1</sup> етиб келгунича,  
Мустафоси Болсурага<sup>2</sup> етиб келгани.

Ака аввал сўққабошу фақир ўтган,  
Тангри қўллаб, касби-кори ривож топган.  
Кўп ўтмасдан бола-чақа, уй-жой қилиб,  
Бул шаҳарда обрў топган, донг таратган

Дунё топиб, усти бутун, кўзи тўйган,  
Не-не гўзал сурат чизиб, касбин суйган.

<sup>1</sup> Чинмочин — Ҳиндистонда бир қалъа.

<sup>2</sup> Болсур — бу ҳам қалъа.

Худойим қүчқордайин ўғил беріб,  
Домла ҳам унга Азим деб от қўйган.

Азим ўсди ҳар йил сайин одим ташлаб,  
Мадрасада таълим олди, эди ташна,  
Кўп йил ўтмай, бу ёш йигит доно бўлиб,  
Кенг манглай, очиқ юз бўлди, дили яшнаб.

Азим ота ҳунарига қўйди ихлос,  
Отадан ҳам ўтиб кетди, фарзандга хос,  
Мустафо кўз юмса ҳамки куни етиб,  
Юпин етим қолмади ёш ниҳол хуллас.

Қаранг, ота ҳунарини қўлга олди,  
Отадан ҳам ўтиб кетди, эл тонг қолди.  
Харидорлар кундан-кунга кўнайгандан,  
Аввалгидан зиёд бойлик — мол тополди.

Азим бир кун дўконида ишлар эди,  
Олтин камар, зарбоғ тўн-ла бир чол келди.  
Не қилмасин бир обрўли кишидир деб,  
Лзим туриб, таъзим билан салом берди.

Алик олиб қария ҳам саломлашди,  
Аста юриб Азимга у яқинлашди.  
— Шаҳрингизда мусоғирман, эй чироғим.  
Ишлар қалай, не қилурсан? — деб сўрашди.

— Ешлигимдан етим эдим, кўнгли синик  
Ҳунарим ҳам мақтанарли эмас улуғ.  
Эртаю кеч меҳнат қилиб, тиним билмай  
Қилар ишим сураткашлик, бўёқчилик.

— Назар солсам билимсизга ўхшамайсан,  
Уддалайсан истасанг ҳар ҳунарни сан?  
Еш жонингта эртаю кеч кўзни қадаб,  
Ишласанг ҳам кунинг унимсиз ўтар экан.

Чол сўзига аччиғланди Азим туриб:  
— Мунча дағал сўзлайсиз,— дер аччиқ қилиб,  
Гарчи сиздай қорни тўқ бой бўлмасам ҳам  
Не қиласиз ота касбим ерга уриб.

— Хўрламайман, болагинам, зўрламайман,  
Эртаю кеч ишлайсанки, мен аяйман;  
Кимёгарлик қилар эдим, ўргатардим,  
Мисдан олтин ясар эдим, алдамайман.

Кўзинг етса ўрганаардинг сен гул ҳунар?  
Ўйлайсанми ҳар кимсага, деб, ўргатар.  
Ерда қолмас, қулай ҳамда соз ҳунарки,  
Оз иш билан анча олтин ғойда етар.

Ётгани йўқ молу дунём опиб-тошиб,  
Бу сўзларни айтдим, болам, меҳрим тушиб,  
Эртагача мис тайёрлаб турсанг агар,  
Бу жумбокни еча олар эдинг шуйтиб.

Энг аввало чинлигига етсин кўзинг,  
Ўргатмоқни шарт қўйдим-ку сенга ўзим.  
Эртасига худди шунда топишмоққа,  
Ваъдалашиб бир-бирига берди сўзин.

Чол кетди-ю бола ҳайроп уйга қайтди,  
Воқеани онасиға келиб айтди.  
Кимё илми борлигини эшитса-да,  
Она қалби дов бермади ушбу пайтда.

Мис пақирни олдига қўй, айтган маҳал,  
Олтин бўлса, бойлик ошар, яхши бу ҳол.  
Елғизгинам, не қилсанг ҳам эҳтиёт бўл,  
Шум жодугар чиқмасин у нотаниш чол.

Бола деди: «Ҳақ олдида банда ожиз,  
Бўлса ёлғон хору зор бўлур шаксиз.  
Лгар буниш таг-тубига етолмасак,  
Аlam билан пушаймонда қолмайлик биз».

Не қилса ҳам бола шу кун ухломади,  
Чол сўзининг мазмунига етолмади.  
Мис пақирни олиб, шу кун барваҳт туриб,  
Дўконига эрта борди, кеч қолмади.

Чол ҳам худди шу чоқ бўлди ҳозир-нозир,  
Халтачадан босқон олди, олди кўмир.  
Иккаласи саломлашиб бўлгандан сўнг:  
«Мисинг қайда, болам» дея кўрди тадбир.

Кўмирга ўт қўйиб, курди декча — қозон,  
Мис пақирни букиб, солди унга шу он,  
Тобга келиб мис эриган кезида чол  
Қоп-қора бир дори олди халтачадан.

Теа олдию у дорини мисга солди,  
Қозон қайнаб шу ондаёқ мис чайқалди.  
Не биландир уни бир оз қориштиргач,  
Олтин қилиб, совутиб, сўнг қўлга олди.

Қўлидаги олтинини унга берди:  
— «Заргарларга бориб кўрсат, болам энди.  
«Олтин эмас» деб бир кимса айтольмайди,  
Алдайдиган одатим йўқ, айнимайди.

Олтинларни олиб бориб элга кўрсат,  
Тангри қўллаб, ишни ўнгдан келтирса баҳт,  
Ихлос билан мени йўқлаб қолсанг агар,  
Тополасан мени анов боғдан фақат».

Азим чоиди олтинларни ола солиб,  
Не-не бойлар уни кўрди кўлга олиб.  
— «Асл олтин, тоза олтин экан-ку деб,  
Ким кўрмасин, айтишади ҳайров қолиб.

Уч минг уч юз тилла пулга қайтди сотиб,  
Онасига олиб келди қулоч отиб.  
Онаси ҳам:— Уша чолни чақир,— деди,—  
— Кетсин ахир уйимииздан нон-туз тотиб.

Ваъдалашган боққа кириб борди Азим,  
Чол учради, ўтиради, солса разм.  
— Эй отажон, қилган ишинг ҳақ — рост экан,  
Нон-туз тотиб кетишингни этдик жазм.

Сўнг бир ҳонуҷ тилла берди Азимга чол:  
— «Сенинг ҳам ўз молинг,— деди,— мендаги  
мол.

Кўнтил ёзиб, чақчақлашиб ўтирайлик  
Турли-туман қимматбаҳо шароб ҳам ол.

Яйраб-яшнаб отамлашсак икков ғақат,  
Баҳри-дилинг очилади бўтам, албат.  
Онангни ҳам бирор жойга юборақол,  
Сенга бу кеч сирларимни айтмоғим шарт.

Кун ботгунча кўнглинг бўлма, қўяй айтиб,  
Қош қорайгач мен келаман яна қайтиб.  
Ейиш-ичиш орасида айтар сўз кўп,  
Тағин бирор эшитмасин уйда ётиб».

Азим қеәди бозорларда, ўта хушвақт,  
Турли-туман шароб олиб келтирди тахт.  
Олтинларни кўргандан сўнг онаси ҳам  
Таскин топиб, қўшнисига кетди барвақт.

Ғамлаб мева, позу-неъмат, шароб — майин  
Азим қувнар олтин жиринг этган сайин.  
Үйларига ҳеч кимсани киритмасдан,  
Чол келгунча ясантириб турди жойин.

Қош қорайган чоқда чол ҳам етиб келди,  
Азим чаққон эшик очди, юриб-елди.  
Азимни у гўё яқин фарзанд билиб,  
Жилмайганча ёруғ юзла уйга кирди.

Бу чол кўздан кечирмаган жой қолмади,  
Бир Азимдан ўзга жонни тополмади.  
Ортигича чолга баҳо берган Азим:  
— Нега мунча қарайсиз? — деб гап олмади.

Вақтин чоғлаб сўзлайди чол тўхтов билмай,  
Таъзим қилиб Азим туар, тинглаб, жилмай.  
Ош ейилиб, қўл ювилиб бўлгандаа сўпг  
«Майни келтир» деб имлади, парво қилмай.

Қадимдап бир одат бор, ҳануз яшар,  
Русми, немис, дунёдаги борки баптар.  
Овқатдан сўнг мевадан қилган шароб —  
Соғлиққа фойдали деб сипқаришар.

Шаробли шишаларга патнис тўлди  
Бир-иккита жонон қадаҳ тайёр бўлди.  
Пасти-баланд сўз отишиб, қаҳ-қаҳ уриб,  
Чўқишидилар пиёланинг ўнги-сўли.

Мийигида кулган бу чол кўп қув чол-ди,  
Содда Азим тез анча кайф суреб қолди.  
Чўқиштириб май косалар алмашингач,  
Жодугар чол май қадаҳга дори солди.

Фирибгар чол кўпдан шундай қилар экан,  
Кўпнииг ҳаёт томирига болта урган.  
Дори солгани майни бехос ичгандан сўнг.  
Ярим тунга бориб Азим ҳушдан кетган.

Шунда шум чол деразадан ҳунтак чалди,  
Тўрт йигит тобут олиб кира қолди.  
Азимни шу тобутга солишди-да,  
Кўтаришиб ташқари юра қолди.

Азимни маст қилганида кўнгли тўлди,  
Эшик ёпар экан кўрди ўнгу сўлни.  
Сўнгра маҳкам бекитди-да, онт урган чол:  
— Юринглар,— деб икки кўзи йўлда бўлди.

Кўм-кўк дегиз соҳилида қалин қамиш,  
Қамишзорда кема турар чолга таниш.  
Азимжонни шу кемага солишди-да,  
Сузиб кетди, бошланниб тез эшкак эшиш.

Қанотида ўттиз чоғлик йўлдоши бор,  
Тонг отгуича бул шаҳардан кетди олис.  
Эл уйғонди, эрта билан кампир келди,  
Болажонин йўқолганин кўнгли билди.  
Фарёд чекди, йиғлади не килсин шўрли,  
Ец Азимнииг ҳолин баён этай энди.

Азим ҳушга келди расо эрта тушда,  
Азиз бошин кўрди хавфу-хатар ишда.

Кўл-оёги кишанланган ётар таҳо,  
Гўё темир кафас туарар эди устда.

Кўзғалди-ю, ўриидан ул аранг турди,  
Турганидан ўни туллак чолни кўрди:

— Оқ соқол, одам шундай иш қиласми,  
Онамдан ҳам айирдингми? — деб оҳ урди.

— Кўзингни оч, эсингни йиф бас, ўйнама,  
Мени сен ўз диндошингга деб ўйлама.  
Отапшараст динидаман, динимга кир,  
Мендан қўрқма, хавф-хатардан ҳеч сўйлама.

Нодон бўлма айтиб қўйдим мен бир жарра,  
Гар кўнмасанг кунда ейсан бир юз дарра.  
Минг бор жонинг бўлғанда ҳам қутулмайсан,  
Билиб қўйки, шафқатим йўқ, сенга зарра.

Бола айтди: «Диним учун бўлай қурбон,  
Чўқинмайман ўтингга мен, куйдирма жон.  
Ҳақ йўлида минг розиман шаҳид ўлсам,  
Қўрқади деб умид қиласма, сен беимон».

Ечинтириб болани, тез яланғочлаб,  
Роса урди юз даррани қулочкатлаб.  
Тишини-тишига қўйди бола, ғинг демади,  
Бир озгинна ҳушсизланди, ўзни ташлаб.

Ёмонликни хуш қўрмади ҳақнинг ўзи,  
Сел қуилиб, тим қорайди қўкнинг юзи.  
Бола боғли ётганича қола берди,  
Чол кемада кетди қурғур, қора юзли!

Туни билан ухлашмади, сира мизғілб,  
Сув шариллаб, түлқин уриб, шамол пәғіб.  
Сув тұқишиб, тонг отгүнча шолпиллашиб,  
Үттіз қули ҳолдан кетди, сувда юзиб.

Құллар бирга түпланиши бош қүшишиб,  
— «Бу ҳолатда ўламиз» — деб қолди шошиб.  
Ҳамманы шу кунга солған шум такани  
Еқасидан тутишдилар қаҳри ошиб.

— Ота, ўйлаб иш қылмайсиз аввал бошдан.  
Жонни аяб қочмас әдік қора тошдан,  
Олло бизнинг ишимизни хүп күрмади,  
Халос әтиб, розилик ол банди ёшдан.

Күлин ечиб, розилик ол, кишанни үз,  
Қани, тез бўл! Нима дейсан, вақт тигиз?  
Бу талабга ён бермасанг, ахир ўлдик.  
Сени сувга ташламоққа шай турибмиз!

Чол бу сўзга ёқа ушлаб ҳайрон қолди,  
Не қиларин била олмай ўйга толди.  
Үттіз қулнинг авзойини пайқагандан,  
Кишанларни қўл-оёқдан ечиб олди.

Чирогим деб, бўйнига қўл ташлар шу чоқ,  
Ёлғондакам кўзда ёши мунчоқ-мунчоқ.  
— «Болагинам, мастилик билан қилипман», —  
деб,  
Сўздан тониб, яна қўйди ҳийла — тузоқ.

Оқ кўнгилли йигит эди бизнинг Азим,  
Ўйлар: «Нега шундай бўлса ийманди жим.  
Мастилик билан қилсан қилған чиқару, — деб.  
Ёш эмасми, — керак, — деди, — ишонишим.

— Кечдим сепп, қылган бўлсанг мастилик қпи-  
либ!

Кекса тулки: «чирагим» деб, турар кулиб.

Шамол тиниб, куёш чиқди аввалгидаи,

Қараңгки, кетди ҳарён қулғуриб.

Сув кечмагап йўргадайин топиб-шопиб,

АЗИМЖОНШИ СИЙЛАРДИ ЧОЛ ТАОМ ТАШИБ:

Ўттиз қул ҳам «жўн одамга ўхшамас» деб,

Чин юракдан хизмат қилар иш талашиб.

Бир манзилда чол гап отди: «болам, тўхта,

Мисни олтии қиласар дори анов ёқда.

Ўнчалик кўз узоқ эмас, яқин врда,

Бонлаб олиб қайтсақмикан, не дейсан, ҳа?»

«Не ҳам дердим» деди бола бенхтиёр,

Чол қувонди ич-ичидан тагин бисёр.

Бон устида югурудакдек қияди хизмат,

Маккорлиги авжга мишиб бу ҳийлакор.

Теа орада бир соҳилга келди етиб,

Чол жўнади, Азимжонни ҳамроҳ этиб,

Бир ногора ётар экан, чалган эди,

Елмоялар<sup>1</sup> чиқди ерни дупирлатиб.

Уч мояни чол ушилади миниш учун,

Бирисига озиқ-овқат ортди бутун.

Иккаласин иккаласи миниш олиб,

Ногораний йўлда қўйиб кетди шу кун.

Елмоялар келишади елдек учиб,

Чол бир ёққа қараб келар иелар бичиб.

<sup>1</sup> Елмоя — учқур тую.

«Булут каби баландликини күрятсанми?  
Ана шунда, болам,— дейди, чол сүз очиб.

Аслида у Күхикоффир, булут әмас,  
Катта тогнинг бериги ўнг ёғи, халос.  
Биз қидирган дори ўша тоғ бошида,  
Бургутдайин тездан олиб қайтолсак бас».

Туни билан йўл юришиб тонг отипти,  
Худди уйдай бир нимадир ярқ этилти.  
— Бу нимаси?— деб сўраган экан бола,  
Тура сола қочгачича чол кетипти.

— Бу нима?— деб такрорлапти Азим шўрлик,—  
Қочасанки, нечун ахир бу ионкўрлик?  
— Эй чирогим, бу жой асли хатарли жой,  
Ёвуз деб бор, қилар иши фақат зўрлик!

Қамчи босди чол шу сўэин бўлгач сўйлаб,  
Кетди у олдиндаги дарё бўйлаб.  
Соҳил бўйлаб, йўл юрса ҳам, мўл юришиб,  
Тушда тоғда тўхтадилар, макон айлаб.

Чол олдинда, бир қояда, тўхтаб шу он,  
Озиқ ортган елмояни этди қурбон.  
Ичин ёриб, ичак-чавақ, ўпка бағрин —  
Қорнигача қолдирмасдан олди чаққон.

Азимжонга чол арқону хайжар берди,  
— Терига сен кириб, бир оз ётгин!— деди —  
Устингдан мен тикиб бўлгач бекинаман,  
Тоғ бошида турган Семурғ бизни кўрди.

Семурғ келар кетганимдан кейин бир оз,  
Човут солиб сүнгра этар баланд парвоз.  
Тепаликка құнгач бирдан ёриб чиққин,  
Сендан чўчиб теридан у кечади воз.

Тоғ бошида бордир қора, майин тупроқ,  
Фурсатни бой бермай түлдир қопни тезроқ,  
Қоп түлғанда боеғаб уни тушир пастга,  
— Сени ечиб олгунимча шошма бироқ.

Шундан кейин арқонингни тошга бойла,  
Тушадиган бирор қулай ерии сайла.  
Арқонингдан ушлагинда туш сирғаниб,  
Иложи йўқ, қилинмаса бундай ҳийла.

Қанор олди, ханжар олди шунда Азим,  
Бу сўзларни уқди барин солиб разм.  
«Эркатойим, айтганимдан янглишма» деб  
Чол ҳам ҳаддан зиёд қиласа бундай таъзим.

Азим бўйин товламади, ўтарди вақт,  
Юрагида орзулари эди қат-қат:  
«Таваккал» деб терига у кириб ётди,  
Пешонага ёзилгани бўлар фақат.

Чол терини чандиб, тушди югурмоққа,  
Қочиб кетди шох-шабба мўл турган ёққа:  
Кўкда Семурғ гир айланиб, шўнгиб шу он,  
Човут солиб кўтарилди яна кўкка.

Шунда Семурғ қоя тошга қўнди бориб,  
Азим ботир чиқа келди ичин ёриб,

Тирик одам боласини күрган бу күш,  
Чүчигандан кетди ўзин четга олиб.

Азим чиқди тоғ бошига, алапт-жалаңг,  
Күрса турар эди түпрөк, қоп-қора ранг.  
Қоп түлиши билан курмак қилиб бөглаб,  
Отасига туширади бола аранг.

Халиги қоп чол құлига борғач етиб  
Қасамхұр чол мол-дунёга қолди ботиб.  
Зил-замбиял қоп ерга туынғач, динесиз коғир,  
Арқонни ҳам олиб кетди юла-тортиб.

Арқоншаң айрилғашта Азим қолди,  
— Арқонимни нега олдинг? — деб дод солди.  
— Талай жониш шу күлфатга солғаңман — деб.  
Орқасига қарамасдан чол йўл олди.

Беталиниңде динесиалиғи Азим билди,  
Шум чол нараво қылмай кетди, юз ўғирди.  
Бу коғиршиңг қайтмаслиғи ашиқ бўлғач,  
Югурғашча қоя бўйлаб йўл қидирди.

Ишондикি, қутулмоқнинг йўли йўқ ҳеч,  
Қорип очди, кўзда ёши, йўқ танда куч.  
Бир пимадир — емиш топиб сб олди-ю,  
Тақдирдаги бўлар деди, эртами — кеч.

Куёш ботди, бир жой топиб Азим ётди,  
Қош қорайғач қўриқишиб, шов-шув қанот қоқди.  
Караса ўт пуркар эмини аждаҳолар,  
Шунда ҳам у бир оз мизғиб, ухлаб қопти.

Үйқусидан чүчиб кетиб уйғонди тез,  
Қарасаки, аждар келар, вақт тиғиз,  
Не ҳам бўлса таваккал деб, туриб дадил,  
Ханижар билан қоқ бошига урди шу кез.

Зарб етиб ўзи нари учиб кетди.  
Зўр дарахтни кўриб эди, шунга етди.  
Баландроқда бўлганим соз деб, ўйланлаб,  
Ўша туни шу дарахтии макон этди.

Бирмунча вақт мизғиди-ю, ухлаб колди,  
Толиққаи-ку, чарчагаи-ку, кеч уйғонди,  
Қарасаки, аждаҳолар кўринимас ҳеч  
Ҳаз чопган аждарини тании олди.

Тирик бўлса ётарми? — деб, этди хитоб,  
Ўлган деган ўй хаёлдан ўтди шу тоб.  
Дарахтдан тез тушиб, шу дам аждаҳога  
Ханижарни кўлга олиб етди шитоб.

Яқин борса, ётар эди аждар ўлиб,  
Яратилган экан шундай катта қилиб.  
Шилиб олиб, терисидан тасма ясаб,  
Кунга ёйнб қуритарди кўнгли тўлиб.

Тасмалардан ясай олди узун арқон,  
Азим ботир тупімоқ учун топди имкон.  
Гир учини тошга боғлаб туширгаңда,  
Аркоши ҳам мўлжалнига етди шу он.

Азим ботир таваккал деб, жондан кечиб,  
Арқон тутиб кетди шунда пастга тушиб.

Қарагат еб, тоғ олма еб, сувга қониб,  
Дарё бүйлаб кетди чунон қушдек учиб.

Тұрт күн юриб, ахир ярим йўлдан ошди,  
Шу күн олтин қаср кўрди, завқи тошди.  
Тоғдаги қандай таваккал деб тушган бўлса,  
Қасрга тоғ юрак билан қадам босди.

Дарвозадап ичкарига кирди шошиб,  
Бир уйдан сўнг иккинчига ўтди ошиб.  
Гаплашишга бирор кимса топа олмай,  
Сўнг тўрдаги уйга кирди эшик очиб.

Икки сулув қиз ўтирад тўри уйда.  
Бундай сулув туғилмаган бутун элда.  
Иккаласи сатранж ўйнаб, билмай қолди,  
Азим кириб тура қолди ўрта ерда.

Бош кўтариб иккала қиз буни кўрди,  
Лол бўлишиб, тонг қолишиб ҳолин сўрди:  
— Яхши одам боласига ўхшайсан-ку,  
Нега фолнинг жодусига ўзни урдинг?!

Сўз бошлади Азим, қизлар бергач сўроқ:  
— Мен бир ғарид, бечораман юрган саёқ.  
Аввалида бошдан ўтган воеани  
Айтиб берди битта қўймай ботдан-аёқ.

Қизлар тинглаб турди, бериб зўр эътибор,  
Билишдилар Азимга эл қайсип диёр.  
Раҳм қилиб дейипдилар: «Жигар бўлгин,—  
Бор иложни қилғусимиз, бизлар тайёр!»

— Хўп, майлига, ундаи бўлса, опаларим!  
Тортмоқдаман бу дунёниг жағоларин.  
Софинганда ўз элимга юборгайми,  
Сўрасангиз, марҳаматли оталаринг?

— Кўнгилни тўқ тут, совутма асло биздан.  
Худо ҳаққи ваъда бердик дилимиздан.  
Хоҳлаганча тургин бизнинг қошимизда,  
Кетар бўлсанг — бу иш бизнинг қўлимида!

Ёр тутмаймиз сени жигарпора дедик,  
Дўст йўлида сенга чиндан меҳр қўйдик,  
Бир умрга бизнинг билан қолмасанг ҳам,  
Кетар бўлсанг у ёғни ҳам ғамин едик.

«Хўп бўлади» дейишди-ю, шарт боғлашди,  
Дўстлик ипин боғлаш учун ўртоқлашди.  
Учаласи нурдайин оқ кўнгил билан.  
Ваъдалашиб жигарларча қучоқлашди.

Ўхшалий ўйқ бу саройда яшаб хушвақт,  
Бахти кулиб, Азим топди кучу қувват.  
Қизлар денти «истаганча ўйнаб-кулгин,  
Бироқ анов уйгагина кирма фақат».

Қизлар кетиб, бир куни у қолди ёлғиз,  
Солмаганди қизлар дилга шубҳали из,  
Еш эмасми, туш пайтида ман этилган  
Ўйга кирди, дейилса ҳам кирма ҳаргиз.

Кирса нарёқ бир боғдирки, пуркарди ис,  
Ўртасила плтирайди мармар ҳовуз.

Мевазорки, бутоқлари ерга тегар,  
Булбул сайрар, таъриғига тил ҳам ожиз.

Боқса гүё марваридлар тўлиб тургак,  
Парволаси бўлиб қолар буни кўрган.  
Азим ботир тўёлмасдан қараб турса,  
Қушлар кўниб, дов-дараҳтлар қарсак урган.

(Достон битмай қолган).

1887.

# *Мундарижа*

## **Шеър ва поэмалар**

- 3 **Үлан.**  
МИРТЕМИР таржимаси
- 6 **«Гүдак учун бешиги — каттакон олам...»**  
МИРТЕМИР таржимаси
- 7 **Бургутчи.**  
ҮЙГУН таржимаси
- 10 **«Ярқироқ оқ кумушшадай...»**  
ҮЙГУН таржимаси
- 12 **«Ешикда билим излаб...»**  
МИРТЕМИР таржимаси
- 13 **«Қаридик, ғамга ботдик...»**  
ҮЙГУН таржимаси
- 15 **«Қаридик, ғам битмай, күнайди армой»**  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 17 **«Бойлар юрар...»**  
СУЛТОН АКБАРНЫЙ таржимаси
- 18 **«Күнгілім қолди дүстдан-да...»**  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 20 **«Адашғашынг олди — жүн...»**  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 22 **«Бұз болалик чинакам гүзәл даврон...»**  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 24 **«Пигитлар, үйин арzon...»**  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 28 **«Бозорға қараб турсам, хар ким борар...»**  
ҮЙГУН таржимаси
- 29 **«Илм тоңмай маңтапма...»**  
ҮЙГУН таржимаси

- 32 «Сабрсиз, орсиз эриңчак...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 35 Куз  
МИРТЕМИР таржимаси
- 36 «Ез кетди, қишининг боши...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 38 Қинш  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 40 «Вафот этса яқин дүст, ғамли инсон...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 42 Қўламбойга  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 43 «Қалбингда ўтинг бўлеа...»  
РУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 45 «Мен ўланни ёзмайман эрмак учун...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 47 «Аввалдан бир совуқ муз — ақл зийрак...»  
УЙГУН таржимаси
- 48 Йигит сўзи.  
УЙГУН таржимаси
- 50 Қиз сўзи.  
УЙГУН таржимаси
- 52 «Нақ билакдай сочи унинг...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 53 «Эм тополмай...»  
РУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 55 «Ўзага кўнглим тўярсан...»  
РУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 57 «Ошга, тўйига бораркан...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 59 «Ёшлик ўти ёлқинланиб...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 61 Қўклам.  
МИРТЕМИР таржимаси

- 63 «Кўзимнинг қораси...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 66 «Юрак, тепма, тепган билан...»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 67 «Хўп, ишонай, унайин...»  
РАЗЗОҚ АБДУРАШИДОВ таржимаси
- 69 «Етиб қолди куз фасли ҳам...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 70 «Баъзи ўсмир замондошлар...»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 71 «Севги тили — сўзсиз тил»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 72 Абдураҳмон хасталаниб ётганда  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 75 «Талай сўз бундан бурун кўп айтганман»  
УЙГУН таржимаси
- 76 «Оч киши юпанурми»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 78 «Ешлик ўтди, билдингми?»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 79 «Кўланка бўй узантубиб...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржима
- 80 «Табиат ўлар балки...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 81 «Молга дўстнинг дўсти йўқ...»  
УЙГУН таржимаси
- 82 «Туққан ота-она йўқ...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 83 «Гоҳ бетоқат кутасан...»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 84 «Бир гўзал қиз бўлибди хон кулида...»  
УЙГУН таржимаси
- 86 «Кўк оля булут...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси

- 87 Хотини билдиң Масақбай.  
ЖУМАНДЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 89 «Күк тумандир...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 91 «Кимдир сени күпик сочиб күп мақтади»  
АСҚАД МУХТАР таржимаси
- 92 «Тану жонга тарқалар...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 94 «Мен нома ёзаман...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 95 «Елесиз туида өргүг ой...»  
ҮЙГҮН таржимаси
- 96 «Қуввати ұтдай бурқираб...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 97 «Шым дунё туиаб ётириш...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 98 «Номим одам бұлған сүнг»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 99 «Мен күрдім узун қайни қулаганини..»  
ҮЙГҮН таржимаси
- 100 «Күн ортидан күп тугар»  
С. ХУДОЈБЕРГАНОВ таржимаси
- 101 «Хаста юрак тенди аста-секин»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 102 Юрагим мешінг қирқ ямоқ...»  
РАЗЗОҚ АБДУРАШИДОВ таржимаси
- 103 «Нұрлы осмонға инилиб үегансаи сез»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 104 «Юрагим, иени сезасаи...»  
ҮЙГҮН таржимаси
- 106 «Қүёшни вакт шариб...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 107 «Уяламай» деганиң қўигил учун...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси

- 108 «Барғы еўлиб қолған...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 109 «Юрак — денгия...»  
РАЗЗОҚ АБДУРАШИДОВ таржимаси
- 110 «Жим-жим күнглим, жим күнглим...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 112 «Ярқ этмас, қаро күнглим...»  
ҮЙГҮН таржимаси
- 113 «Тулпордан...»  
ҮЙГҮН таржимаси
- 114 «Тойға миндик...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 116 «Ұз айбимга күз солиб...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 
- 118 Матъеуд. Поэма.  
ҮЙГҮН таржимаси
- 123 Искандар. Поэма.  
МИРТЕМІР Рынг әркін таржимаси
- 128 Азим қыссасти.  
ҲАКИМ ХҮЖАЕВ таржимаси

*На узбекском языке*

**АБАЙ**

**СТИХИ**

Редактор  
МИРТЕМИР

Рассом  
Э. ИСҲОҚОВ

Расмлар редактор  
Г. ФРОЛОВ

Техн. редактор  
М. МИРҚОСИМОВ

Корректор  
Ш. ЗУҲРИДДИНОВ

• • •

БОСМАХОНАГА БЕРИЛДИ 29/IV 1970 й.  
БОСИШГА РУХСАТ ЭТИЛДИ 25/VI 1970 й.  
ФОРМАТИ 70×90<sup>1/11</sup>  
БОСМА Л. 4,75.  
ШАРТЛИ БОСМА Л. 5,56  
НАШР Л. 3,32.  
ТИРАЖИ 10000.  
ФАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЕТ ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ.  
ТОШКЕНТ, НАВОЙ КЎЧАСИ, 30.  
ШАРТНОМА № 40—70.

ЎЗБЕҚИСТОН ССР  
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ  
МАТБУОТ ДАВЛАТ  
КОМИТЕТИНИНГ  
ПОЛИГРАФКОМБИНАТИДА  
№ 1 ҚОҒОЗГА БОСИЛДИ.  
ТОШКЕНТ,  
НАВОЙ КЎЧАСИ, 30.  
1970 йил. ЗАКАЗ № 300. БАҲОСИ 73 т.

Абай

Шеърлар ва поэмалар. Т., Гафур Ғулом номидаги  
адабиёт на санъат нашриёти, 1970.  
152-бет.

Абай. Стихи.

Индекс 7-4-3.

С (Коз.)